Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 30 (991) • 2014-yil, 25-iyul, juma

# Қонунчилигимиздаги ислоҳотлар —

## энг аввало инсон ва унинг манфаатларига дахлдор

**Фракция йиғилиши**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига доир бир қатор қонун лойиҳалари қизғин муҳокама қилинди.

Хусусан, «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунга, Бюджет кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга Марказий сайлов комиссиясини демократик асосда шакллантиришга, унинг фаолияти асосий принципларини, шу жумладан, унинг молиявий мустақиллигини мустаҳкамлашга, сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгилашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутиши алоҳида эътироф этилди. Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Қонун Концепция асосида юртимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг мантиқий давоми бўлди.

Хусусан, Конституциянинг «Сайлов тизими» деб номланган XXIII бобига, айнан, 117-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек, референдумни ташкил этиш ва ўтказиш учун Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилиб, унинг фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборатлиги белгилаб қўйилди.

**Камола ҲАМИДОВА, фракция аъзоси:**

— Энг аввало, миллий қонунчилигимизга киритилган конституциявий янгиланишларнинг моҳиятини фуқароларимиз яхши англаб етишлари лозим. Яъни, ҳозирда кўплаб ривожланган демократик мамлакатларда сайловлар ижро этувчи ҳокимият органлари — Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги каби вазирликлар томонидан ташкил этилади, Марказий сайлов комиссияси таркибини сайлашда ҳам бевосита давлат бошлиғи ёки ички ишлар вазирлиги аралашишини кузатиш мумкин.

Мамлакатимизда Марказий сайлов комиссиясига парламент томонидан тузиладиган мустақил конституциявий орган мақомининг берилиши эса бевосита фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига сайлаш ва сайланишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишни тўлиқ таъминлаш, сўз эркинлиги, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш борасидаги ҳуқуқлар кафолатларини кучайтириш йўлидаги муҳим қадамдир.

Қолаверса, давлат ҳокимияти бошқа органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни таъминлайдиган мустақил демократик институт сифатида Марказий сайлов комиссиясининг мақоми конституциявий мустаҳкамлаб қўйилгани демократик сайловни таъминлашнинг ғоят муҳим кафолатидир.

2 ➤




# Асаканинг илғор «адолат»чилари

Асака шаҳридаги "GM Uzbekistan" ёпиқ акциядорлик жамиятидаги Ўзбекистон «Адолат" СДП бошланғич партия ташкилоти 2014 йил биринчи ярим йилликда вилоятдаги БПТлар орасида "Энг яхши БПТ" деб топилди. Бу бежиз эмас, албатта. Ушбу ташкилот аъзолари нафақат ишлаб чиқаришдаги, балки Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурида белгиланган мақсад-вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги фаолияти ҳам эътиборга лойиқ.

Таъкидлаш ўринлики, мазкур қуйи бўғин томонидан партия туман кенгаши ҳамда депутатлар билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, "Мустақиллик — менинг нигоҳимда", "Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда партиянинг ўрни", "Ёш оилалар мустаҳкамлиги — обод турмуш фаровонлиги гарови", "Оммавий маданиятдан сақланинг", "Конституциямиз — ижтимоий адолат таянчи", "Мардлар қўриқлайди Ватанни", "Саломатлик ўз қўлимизда" каби мавзуларда тадбирлар ташкил этилди. Бу каби тадбирлар, ўқув-семинарлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, эртамиз эгаларини турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик руҳида камол топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, мазкур қуйи бўғин ўз фаолияти давомида кўплаб ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда қатор хайрия ишларини ҳам амалга оширмоқда.

8 ➤

# Ўзбекистон:

## дунё эътирофига сазовор сайлов тизими

**Эксперт позицияси**

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар таркибида сайлов тизимига оид янги қоидаларнинг мавжудлиги алоҳида аҳамиятга эга. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омилларидан бири бу — фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, хусусан, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши ҳисобланади. Мазкур фаолиятнинг самарадорлиги муҳим сиёсий жараён ҳисобланган сайловларга бевосита боғлиқ.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш, миллий сайлов қонунчилигини умумэътироф этилган халқаро мезонларга мос равишда шакллантириш ва тадрижий ривожлантириш, демократик сайлов тизими ва амалиётини жорий этиш, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини адолатли сайловлар асосида ташкил этиш борасида катта тажриба тўпланди.

3 ➤

# Кабутарлар қўнмас ерларда

**"Adolat" шарҳи**

Инсоният йигирма биринчи асрга эзгу ниятлар билан қадам қўйган эди. Ўтган асрнинг ҳадсиз талатўплари, қирғинбарот урушлари, тинчлик-тотувликка, аҳил-иноқликка рахна солувчи хатти-ҳаракатлари эски юз йилликда қолиб кетади, башарият янги асрда йўл қўйган хатоликлардан хулосалар чиқариб ўз ҳаётида масъулиятли саҳифа очади, деб умид қилинганди.

7 ➤

# Иш тўғри йўлга қўйилсагина

## электорат манфаатини ҳимоя қила оламиз

**Депутатлик гуруҳларида**

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси сиёсий партиялар учун янада кенг имконият ҳамда ваколатлар тизимини яратиб бериш билан бир пайтда улардан қабул қилинаётган қонун ва қарорлар, давлат ҳамда маҳаллий дастурлар ижросини изчил назорат қилишни ҳам талаб этмоқда.

2 ➤

Бугунги сонда:

Қоидабузар "кашанда"лар 6

Фаол қуйи бўғин — келгуси муваффақиятлар гарови 4

Эҳтиёт чораси йўловчи ҳаётини сақлаб қолиши мумкин 8

**Партиядошларимиз ибрати**

# «Фасл» ёрлиғи билан

**Партиядошларимиз ибрати**

Шаҳрихонлик партиядошларимиз орасида тадбиркор ва ишбилармонлар кўплаб топилади. Туманда тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишга уларнинг муносиб ҳисса қўшаётгани эътиборли.

Изланувчан тадбиркор Алишер Ҳайдаров ана шундай ташаббускор тадбиркорлардан. У кўп йиллардан буён мебель ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келарди. Бу борада хитойлик ишбилармонлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйган.

4 ➤

ADOLAT
№ 30 (991) 2014-yil
25-iyul, juma

# Қонунчилигимиздаги ислоҳотлар — энг аввало инсон ва унинг манфаатларига дахлдор

Давоми. Боши 1-бетда

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида Марказий сайлов комиссияси мустақиллигининг кафолатларини мустаҳкамлаш ва ваколатларини янада кенгайтириш назарда тутилган. Жумладан, Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлилик каби асосий принципларининг мазмун-моҳияти очиб берилмоқда. Мустақиллик принципи Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил тарзда олиб боришни кўзда тутади. Унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Ошкоралик принципи Марказий сайлов комиссияси мажлисларининг очиқ тарзда, шу жумладан, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирокида ўтказилишини ўзида ифода этади.

Шунингдек, МСК аъзолиги лавозимига номзодларга нисбатан талаблар белгилаб қўйиш таклиф этилмоқда. Унга кўра, ушбу лавозимга номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши, унинг ҳудудида камида кейинги 5 йил яшаб турган, 25 ёшга тўлган, олий маълумотга ҳамда сайловни, референдумни ташкил этиш ва ўтказиш борасида иш тажрибасига эга ва жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган бўлиши лозим. Қолаверса, Марказий сайлов комиссияси аъзолари учун илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга тақиқ белгилаш, комиссия аъзосига гувоҳнома бериш тартибини жорий этиш, комиссия ва унинг Раиси ваколатларини кенгайтириш таклиф этилмоқда.

Фракция аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида сайлов қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик қатъий белгилаб қўйилаётганлиги сайлов жараёнларида қонун устуворлиги ва адолат тамойилларининг таъминланишига хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Айниқса, Ўзбекистон "Адолат" СДП дастуридан ўрин олган қонунийлик, ошкоралик ва адолатлилик принципларининг мазкур қонун лойиҳасида алоҳида моддалар орқали очиб берилаётгани мамлакатимизда бўлиб ўтадиган сайловларнинг очиқлик ва сиёсий бағрикенглик шароитида ўтказилишига янада кенг имконият яратишини таъкидлаган ҳолда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Фракция аъзолари "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ҳам иккинчи ўқишда муҳокама қилди. Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси авваламбор, жаҳон амалиёти, хорижий тажриба ва маҳаллий биржалар фаолиятини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси бозор



биржа нархларини шакллантириш (котировкалаш) жараёнларини халқаро стандартлар даражасида ҳуқуқий таъминлаш, нархларнинг эҳтимол тутилган ўзгаришларини суғурта қилиш, савдо қилинаётган активларнинг инвестициявий жозибадорлигини, нархларнинг ошкоралигини таъминлаш, нархларнинг келгуси ўзгаришлари тенденцияларини белгилаш, шунингдек, талаб ва таклифнинг мувозанатини аниқлаш каби бир қатор вазифаларни ҳал этишга қаратилгандир.

Масъул қўмита вакили қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга батафсил тўхталар экан, ушбу жараёнда Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этганликлари ва улар томонидан берилган бешта таклифнинг барчаси асосли равишда қонун лойиҳасида акс эттирилганлигини алоҳида эътироф этди. Хусусан, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда "Биржа фаолияти тўғрисида"ги ном билан тақдим этилган эди. Фракция аъзолари мамлакатимизда бугунги кунда товар хомашё биржалари қаторида валюта биржалари, фонд биржалари фаолият юритаётганидан келиб чиқиб, қонун лойиҳасининг номини "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида" деб номлашни таклиф этишди ва ушбу таклиф инобатга олиниб, қонун лойиҳаси ушбу ном билан янги таҳрирда иккинчи ўқишга киритилди.

Шунингдек, фракция аъзоларининг таклифига мувофиқ қонун лойиҳасининг тегишли моддалари биржаларнинг турларини ва уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва мажбуриятларини, товар хомашё биржаси ва валюта биржасининг принципларини алоҳида очиб беришга қаратилган нормалар билан тўлдирилди ҳамда биржа фаолияти қайси давлат органи томонидан тартибга солиниши алоҳида моддада белгилаб қўйилмоқда.

**Мавлуда НИШОНОВА,**
**фракция аъзоси:**

— Фракциямиз ишчи гуруҳи қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишга тайёрланган вариантини чуқур ўрганиб чиққан ҳолда унинг бир қатор моддаларини янада такомиллаштириш зарур деб ҳисоблайди. Хусусан, қонун лойиҳасининг 3-моддасидан келиб чиқиб, товарларнинг конкурс, аукцион ва кўргазма-ярмарка савдоларига, шунингдек, харидларни ташкил қилиш бўйича фаолияти қайси қонун ҳужжати билан тартибга солиниши мавҳум бўлиб қолаётгани сабабли уни аниқлаштириш керак.

Лойиҳанинг 18-моддасидан келиб чиқиб Аккредитациянинг ягона тартибини белгилаш, 36-моддасида кафолат фонди маблағлари биржа савдоси иштирокчиларининг мажбурий ва ихтиёрий бадаллари ҳисобига шакллантирилиши белгиланган бўлишига қарамасдан мажбурий ва ихтиёрий бадаллар нимадан иборат эканлигини аниқ очиб бериш керак, деб ҳисоблаймиз.

Депутатлар партия позициясидан келиб чиқадиган таклиф-тавсиялар асосида "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини маъқулладилар.

Йиғилиш кун тартибидаги "Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси фракция аъзолари эътиборига биринчи ўқишда ҳавола этилди.

Таъкидланганидек, 1992 йил 3 июлда қабул қилинган "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонунни ижро этиш юзасидан амалга ошириб келинаётган аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда санитария-эпидемиологик хотиржамлик таъминланмоқда.

Аммо, айни даврда халқаро иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларнинг интенсивлиги ҳамда атроф-муҳит ўзгариши билан тавсифланадиган глобал ўзгаришлар шароитида ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши жамоат саломатлиги хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

"Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда давлат санитария назорати тўғрисидаги қонунчиликнинг ҳолати ва уни қўллаш амалиёти, мавжуд муаммолар ўрганиб чиқилди, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва тамойиллари, АҚШ, Буюк Британия, Франция каби мамлакатларнинг санитария-эпидемиологик хотиржамликни таъминлаш масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш тажрибаси ҳисобга олинди.

7 та боб, 46 та моддадан иборат янги қонун лойиҳаси аҳолининг санитария-эпидемиологик хотиржамлигини таъминлашда давлат сиёсатининг асосий йўналишларини, Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

**Исмоил САИФНАЗАРОВ,**
**фракция аъзоси:**

— Қонун лойиҳасида техник тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатларни ишлаб чиқувчиларга қўйиладиган, ер участкасини танлашга, объектларни режалаштириш, лойиҳалаш, қуришга, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, кимёвий ва биологик моддаларни утилизация қилиш ва зарарсизлантиришга, озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқаришга, ташишга, меҳнат шароитларига, касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига доир санитария-эпидемиологик талаблар аниқлаштирилмоқда.

Бизнинг фикримизча, лойиҳада Санитария-эпидемиологияга қарши (профилактик) кураш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибларини алоҳида боб сифатида киритилиши, хусусан, фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш гигиена, соғлом турмуш тарзи, соғлиқни муҳофаза қилиш соҳасидаги билимлар, кўникма ва малакаларни эгаллаб олишга қаратилиши ҳамда касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бевосита аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Инсон ва унинг ҳаёти, саломатлиги, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият даражасига кўтариш партиямиз дастуридаги энг устувор принциплардан бири ҳисобланади ҳамда мамлакатимиздаги санитария-эпидемиологик барқарорликнинг таъминланиши бевосита ушбу принципларга дахлдор эканлиги қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлашимизга асос бўлади.

Йиғилишда шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига қўшимча киритиш тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракция аъзоларининг партия позициясидан келиб чиқадиган таклифлари эшитилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири

> Парламент қўмиталарида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан "Депутатларнинг сайловчилар билан олиб борадиган ишларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

# Депутат ва сайловчи ҳамкорлиги қонун ижодкорлигини такомиллаштиришга ёрдамлашади

Сиёсий партиялар фракциялари, Адлия вазирлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти вакиллари, эксперт ва олимлар қатнашган йиғилишда Қонунчилик палатаси депутатларининг ўз сайлов округларида олиб борадиган ишларини янада яхшилаш, сайловчилар билан учрашувларнинг самарадорлигини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилишдаги иштирокини янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, парламент қуйи палатаси ва сиёсий партиялар фракциялари томонидан депутатларга ўз сайлов округларида мунтазам иш олиб бориш ҳамда сайловчилар билан доимий равишда алоқа боғлаб туриш имконини берувчи кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, 2010-2014 йилларда депутатларнинг профессионал савияси, сиёсий партияларнинг қуйи палатадаги фракциялари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида 30 дан зиёд семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Бу эса парламент аъзоларининг сайлов округларида тизимли фаолият юритиш, парламент назоратини амалга ошириш, жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини кўриб чиқиш ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, сайловчилар мурожаатлари билан ишлаш каби масалаларда замонавий шакл ҳамда усулларни ўрганиб, амалиётга татбиқ этишида муҳим аҳамият касб этди. Пировардида сиёсий партиялар фракцияларининг депутатлар билан сайловчилар учрашувларини ўтказишга кўмаклашиш бўйича ташкилий фаолияти сезиларли даражада яхшиланди.

— Жойларга чиқишдан олдин депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларини пухта режалаштириш, унга тайёргарлик кўриш, учрашувларни юксак даражада ўтказиш мақсадида ташкилий масалаларни ҳал этиш юзасидан бошқа сиёсий партиялар фракциялари қатори бизнинг Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси томонидан ҳам зарур чора-тадбирлар кўриш амалиёти йўлга қўйилди, — дейди фракция раҳбари Собир Турсунов. — Ўз навбатида, учрашувлар натижалари фракциямиз йиғилишида кўриб чиқилиб, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилаяпти.

Давра суҳбатида депутатлар томонидан парламентда қабул қилинаётган қонунлар аҳамиятини жамоатчилик ўртасида тушунтириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотларнинг бориши ҳақида сайловчиларни хабардор этишга алоҳида аҳамият берилаётганига тўхталиб ўтилди. Жумладан, 2012-2014 йиллар давомида Президентимизнинг қатор маърузалари мазмун-моҳияти, амалдаги 100 дан зиёд қонун ҳужжатлари, катта ижтимоий аҳамиятга эга давлат дастурлари, жумладан, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Айни чоғда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш ҳақида ҳам аҳолига мунтазам ахборот бериб боришга алоҳида эътибор қаратилди. Буларнинг барчаси фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти, ижтимоий онг даражаси юксалиши, шунингдек, уларнинг депутатлар фаолиятига нисбатан талабчанлиги ошишига кўмак берди. Хусусан, жорий йилда депутатлар билан учрашувларда 120 мингдан ортиқ сайловчилар қатнашди. Уларда юртимизда кечаётган демократик ислоҳотлар, Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар моҳияти, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг долзарб масалалари, депутатлар фаолиятига тааллуқли саволлар, фикрлар ўртага ташланди.

Муҳокамаларда сиёсий партиялар ва уларнинг парламентдаги фракциялари вакиллари ривожланган демократик давлатларда депутатларнинг сайловчилар билан олиб борадиган ишлари, миллий қонунчилик базасини таҳлил қилдилар. Эксперт ва олимларнинг фикрлари, шунингдек, депутатларнинг сайловчилар билан олиб борадиган ишларни такомиллаштириш бўйича тўплаган таклифлари эшитилди.

**Ойша АХУНОВА,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси**

— Электорат манфаатини ҳимоя қилиш, сайловчилар ишончини қозониш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун энг аввало, сайловчилар билан мулоқотни кенгайтириш, уларни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш, кун тартибидаги қонунлар лойиҳалари юзасидан таклифларини олиш керак. Давра суҳбати айни шу масалалар муҳокамасига бағишланганий билан аҳамиятли бўлди.

Тадбир якунида иштирокчилар тегишли қонунчилик, ташкилий-ҳуқуқий механизмларни янада маромига етказиш зарурлиги ҳақида фикр билдиришди. Бу эса депутатларга қабул қилинган қонунлар қандай ишлаётгани, хўжалик юритиш амалиёти бугунги кунда қандай қонунларга муҳтож экани, сайловчилар қандай муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этиш бўйича нималар қилиш зарурлигини аниқлаш имконини беради. Шулардан келиб чиқиб, сиёсий партиялар фракцияларига бу борадаги ишларни сезиларли даражада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш тавсия этилди.

**Феруз ЖЎРАЕВ,**
«Adolat» мухбири

# Иш тўғри йўлга қўйилсагина электорат манфаатини ҳимоя қила оламиз

Давоми. Боши 1-бетда

Табиийки, бу жараёнда маҳаллий Кенгашлар ва партия депутатлик гуруҳларининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда барча даражадаги депутатларимизнинг амалий ишлар билан сайловчи ишончини қозонишга интилаётганлари эътиборга молик. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш, қабул қилинган қонунларнинг жойлардаги ижроси юзасидан изчил назорат ўрнатилаётгани ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Шунга қарамай, бу борадаги умумий фаолиятимизни ҳали талаб даражасида, деб бўлмайди. Айрим ҳудудларда маҳаллий раҳбарлар, соҳа мутасаддилари эътиборсизлиги оқибатида ислоҳотлар самарасини оширишга халал бераётган камчилик ва нуқсонларни очиқ-ошкора муҳокама қилишга иккиланаётганимиз ҳам сайловчи ишончига путур етказиши мумкин. Мазкур омилларни ҳисобга олган ҳолда халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи аъзолари, аввало, аҳоли манфаатларини муҳофаза этиш, уларнинг муаммолари ўз вақтида ҳал қилинишига кўмаклашишда фаоллик кўрсатишмоқда. Бунда, албатта, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси депутатлари, вилоят ҳамда шаҳар партия кенгашлари билан ўзаро ҳамкорлиги яхши самара бермоқда.

Бундан ташқари, депутатларимиз партиямиз дастурида белгиланганидек, аввало, туман ва шаҳар миқёсида жамоат назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирларни амалга оширишни асосий вазифалардан бири, деб билади.

Концепция асосида қабул қилинган қонунлар ижроси юзасидан назорат-таҳлил тадбирларини кучайтириш, аниқланган камчиликлар бўйича электоратимиз манфаати нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда маҳаллий ҳокимликлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига амалий таклифлар киритишни изчил йўлга қўймоқдамиз.

Халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига бизнинг Ўзбекистон «Адолат» СДПдан 6 нафар депутат сайланган. Айни пайтда депутатларимиз эътибори фуқароларнинг ўз томорқасидан унумли фойдаланишларини намунали ташкил қилишга, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини барпо этиш орқали аҳоли, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашнинг жойлардаги ижросига қаратилган. Бу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, шаҳар Кенгаши депутатларининг тегишли ташкилотларга мурожаатлари асосида ўнлаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, 500 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Кам таъминланган оилаларга ҳомийларнинг 20 миллион сўмдан зиёд ёрдами жалб этилди.

2014 йилнинг ўтган даврида депутатлик гуруҳининг 10 та йиғилишида 15 нафар маҳаллий ҳокимлик ва мутасадди ташкилот раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди. Маҳаллий саноат корхоналарининг шартномавий муносабатларга амал қилиш аҳволи, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларни иш билан таъминлашда тегишли идоралар олиб бораётган ишлар диққат марказимизда бўлди. Энг асосийси, шу вақт оралиғида 2 та муҳим масалани халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессиясига киритиб, улар юзасидан тегишли қарор қабул қилинишига эришдик.

Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурида қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш ва энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш партиянинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Бу йўналишдаги ишлар депутатлик гуруҳимиз фаолиятининг асосини ташкил этди, десам муболаға бўлмайди. Бу — яхши, албатта. Бироқ, таълим муассасаларини тамомлаган ва ишга қишлоқ хўжалик корхоналари билан шартнома асосида қабул қилинган ёш мутахассислар ҳақида ғамхўрлик қилиш, корхоналарда ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, уй-жой коммунал комплекси фаолиятини янада яхшилаш, аҳолини сифатли хизматлар билан таъминлаш, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш, маҳаллий дастурлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш каби партиямиз сайловолди дастуридан ўрин олган масалалар бор эди. Аммо бу борада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз сессияларга аниқ ташаббусларни кирита олмадилар.



**Дарибай ДОШЕТОВ,**
халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати, Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи аъзоси

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ишчи гуруҳи томонидан яқинда қатор туманларда партия депутатлик гуруҳлари фаолияти ўрганиб чиқилди. Таҳлил шуни кўрсатдики, ўтган давр мобайнида депутатлик гуруҳлари томонидан жойларда қонунлар ижроси, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг амалда қўлланилиши, қонунчиликда белгиланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ташкилий-услубий, назорат-таҳлил фаолиятидаги иштироки, сайловчилар ва электорат билан ишлаш, уларнинг қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва ваколатларининг амалга оширилишида муайян камчиликлар мавжуд.

Бундай муаммоларнинг келиб чиқишига партия ҳудудий кенгашларининг маҳаллий депутатлар билан яқин эмаслиги, депутатларнинг эса қуйи бўғиндаги ташкилотлар билан ҳамкорликка етарли эътибор қаратмагани сабаб бўлган.

Социал-демократик ғоя ва мақсадларимизнинг туб моҳиятини етарлича тушунтиролмаётганимиз, бу борада сусткашликка йўл қўйилаётгани туфайли ҳам одамларни партия сафига жалб қилишда муайян қийинчиликлар пайдо бўлаётир.

Бизнингча, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари, қуйи тузилмалар, айниқса, бошланғич ташкилотлар ишининг самарадорлиги кўп жиҳатдан партиянинг юқори ташкилотлари орқали ишни тўғри мувофиқлаштира олинишига ҳам боғлиқ. Шу боис ишимизга бўлган ижодий муносабатни, талабни изчиллик билан ошириб боришимиз даркор.

Мухтасар айтганда, сайловчилар манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги фаоллигини ошириш мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Демак, амалга оширилаётган ишларни доимо ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш, унга тўғри баҳо бериш барча партиялар депутатларининг зиммасидаги катта масъулият эканлигини унутмаслигимиз лозим, деб ўйлайман.

# Ўзбекистон: дунё эътирофига сазовор сайлов тизими

Давоми. Боши 1-бетда

1992 йил декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида сайловларга оид алоҳида бобнинг киритилганлиги, унда сайлов тизимига оид муҳим қоидалар ўз ифодасини топгани ҳамда мазкур конституциявий нормалар асосида бевосита сайлов жараёнларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган ўндан ортиқ махсус қонунларнинг қабул қилинганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

2014 йил апрель ойида Конституциянинг 117-моддасига киритилган қўшимчаларга асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, унинг мақсади ва шакллантириш тартиби, фаолиятининг асосий принциплари конституциявий нормалар асосида мустаҳкамланди. Сайлов тизимига оид нормалар мазмунан бойитилди.

Сайлов органлари ва улар фаолиятини конституциявий нормалар орқали ифодалашга оид ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибасига эътибор қаратсак, АҚШ, Белгия, Германия, Италия, Нидерландия, Франция, Ирландия ва Япония каби давлатларнинг Конституцияларида сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга ваколатли бўлган органлар ҳамда уларни ташкил этиш тартиби ҳақидаги махсус қоидалар учрамайди. Бу ҳам Ўзбекистоннинг давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг энг демократик усули ҳисобланган сайлов жараёнларига, унинг ҳуқуқий асосларини янада демократлаштиришга алоҳида эътибор қаратаётганлигининг ёрқин далилидир.

Конституциянинг 117-моддасига киритилган янгиликларнинг мазмун-моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини қуйидаги йўналишлар орқали кенгроқ шарҳлаш мумкин:

Биринчидан. Конституцияга Марказий сайлов комиссиясининг қандай мақсадда ташкил этилиши ҳақида янги қоидалар киритилди. Ушбу нормага асосан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузилади.

Мазкур қоиданинг Асосий Қонунда акс эттирилиши орқали Марказий сайлов комиссияси конституциявий институт даражасига кўтарилмоқда. Бу орқали фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг рўёбга чиқарилиши кафолатлари янада кучайтирилди.

Агар хорижий мамлакатларнинг мазкур соҳадаги тажрибасига эътибор қаратсак, сайловларни давлат органлари, жамоат ташкилотлари ёки уларнинг вакиллари иштирокида тузиладиган комиссиялар ташкил этиши ва ўтказиши ҳолатлари мавжуд. Масалан, Франция, Германия ва Япония каби давлатларда — Ички ишлар вазирлиги, Бразилияда — Олий сайлов суди, Финляндияда — Адлия вазирлигига бу ваколатлар берилган.

«Ижро ҳокимияти тизимидаги ички ишлар вазирлиги раҳбарлигида ташкиллаштирилган сайловлар қанчалик демократик асосда ўтиши мумкин?», «Бунда биринчи ўринга сайловчи манфаати чиқадими ёки давлат?» деган ўринли саволлар пайдо бўлиши табиий. Бу саволларнинг жавоблари ҳам тахминан маълум... Ўзбекистон сайлов тизими ва амалиёти бу каби саволларга ўрин қолдирмайди.

Иккинчидан, янги конституциявий нормалар асосида Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари мустаҳкамланди. Унга асосан, Марказий сайлов комиссияси қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик, адолатлилик каби тамойиллар асосида ўз фаолиятини амалга оширади. Юқоридаги принциплар сайловларни демократик андозаларга мос тарзда ўтказиш ва фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишн учун муҳимдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда қайд этиш лозимки, сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга ваколатли органнинг қайси принциплар асосида фаолият юритишининг Конституция даражасида мустаҳкамланиши умумэътироф этилган



халқаро сайлов стандартлари мазмунига тўлиқ мос келади. Чунки, халқаро ҳуқуқ нормаларининг муҳим талабларидан бири — бу миллий қонунчиликда халқаро ҳуқуқ тамойилларининг акс этиши ҳисобланади.

Учинчидан, Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг доимийлиги ва қонунлар асосида иш олиб бориши Конституцияда акс эттирилди. Ушбу қоида мазмунига кўра, Марказий сайлов комиссияси — доимий асосда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, сайловлар ва референдум тўғрисидаги ҳамда бошқа қонунлар асосида фаолият юритади.

Бу ҳам халқаро ва миллий даражада синовдан ўтган тажрибадир. Чунки, сайлов ва референдумларни ўтказиш учун фақат муайян муддатга махсус органни ташкил этиш ёки бу ваколатнинг сиёсий кампаниялар вақтида бошқа ташкилот зиммасига юклатилиши сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда мустақиллик тамойилининг таъминланмаслигига олиб келиши мумкин.

Хорижий мамлакатларнинг бу соҳадаги тажрибасига эътибор қаратсак, АҚШ, Канада, Испания, Хиндистон, Буюк Британия ва Жанубий Корея давлатларида сайлов комиссиялари доимий асосда фаолият олиб борса, Ирландия, Норвегия ва Австрияда фақат сайлов вақтида ташкил этилади.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг Конституция ва қонунлар асосида фаолият олиб боришини белгилайдиган қоидаларнинг Асосий Қонунда акс эттирилиши бу орган фаолиятига ҳеч қандай давлат органи ва мансабдор шахслар аралашмаслигини, унинг мустақил ва фақат қонунлар асосида фаолият олиб боришини мустаҳкамлайди.

Тўртинчидан, Конституцияга Марказий сайлов комиссиясини ташкил этишга оид янги нормалар киритилди. Унга асосан, Марказий сайлов комиссияси аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади. Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномаси бўйича комиссия мажлисида сайланади.

Мазкур қоида мамлакатимиз сайлов қонунчилигини демократлаштиришда улкан қадам ташланганлигини кўрсатади. Чунки, сайлов комиссияларини шакллантириш тизимини Конституцияга муҳрлашга кўплаб ривожланган давлатлар ҳам журъат эта олмайди. Чунки, аксарият мамлакатларда сиёсий тизим ўзгариши сайлов амалиётини ҳам ўзгартиради. Ўзбекистондаги бу амалиёт сиёсий тизим барқарорлигини кўрсатиши билан бирга қонун устуворлиги тамойили амалда мустаҳкамланганлигини намоён этади. Бу ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгисидир.

*Сайлов органлари ва улар фаолиятини конституциявий нормалар орқали ифодалашга оид ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибасига эътибор қаратсак, АҚШ, Белгия, Германия, Италия, Нидерландия, Франция, Ирландия ва Япония каби давлатларнинг Конституцияларида сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга ваколатли бўлган органлар ҳамда уларни ташкил этиш тартиби ҳақидаги махсус қоидалар учрамайди. Бу ҳам Ўзбекистоннинг давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг энг демократик усули ҳисобланган сайлов жараёнларига, унинг ҳуқуқий асосларини янада демократлаштиришга алоҳида эътибор қаратаётганининг ёрқин далилидир.*

Янги қоидаларга асосан Марказий сайлов комиссияси демократик асосда ташкил этилиши кўрсатилмоқда. Уни шакллантиришда Президент, ҳукумат ёки бошқа мансабдор шахсларнинг аралашмаслигига оид ҳуқуқий нормалар Конституцияда мустаҳкамланди.

Мазкур масалага оид хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратсак, Корея Республикасида сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш ваколатига Миллий сайлов комиссияси эга. Унинг 9 нафар аъзоси бўлиб, уларнинг 3 таси Президент ва яна 3 таси Олий суд раиси томонидан тайинланса, қолган 3 нафари Парламент томонидан сайланади.

АҚШда Федерал сайлов комиссияси эса, 6 нафар ўнг овозга эга аъзодан иборат бўлиб, улар Президент томонидан тайинланади ва Сенат томонидан тасдиқланади. Россия Федерациясида эса, Марказий сайлов комиссияси 15 нафар аъзодан иборат. Уларнинг 5 нафари Президент томонидан, 5 таси Парламентнинг қуйи палатаси — Давлат думаси томонидан ва яна 5 нафари юқори палата томонидан тайинланади.

Қозоғистон Республикасида Марказий сайлов комиссияси 7 нафар аъзодан иборат таркибда фаолият олиб боради. Комиссия раиси ва 2 нафар аъзоси Президент томонидан, 2 нафари Сенат томонидан ва яна икки нафари Мажлис томонидан тайинланади. Туркманистонда эса, сайлов ва референдумни ўтказувчи марказий комиссиясининг раиси, раис ўринбосари ва котиби ҳамда 12 нафар аъзоси Президент томонидан тайинланади. Ёки Белорус Республикасида Марказий сайлов комиссиясининг 12 нафар аъзоси бўлиб, уларнинг олти нафари Президент томонидан ва яна шунча қисми Парламент томонидан тайинланади.

Юқоридаги мисоллардан кўп мамлакатларда сайлов комиссияларини шакллантиришда давлат раҳбарининг аралашувини кузатиш мумкин. Бу уларнинг мустақиллиги ва холислигини чеклайди. Ўзбекистонда эса, Марказий сайлов комиссияси Президентнинг аралашувисиз, демократик асосда шаклланади.

Умуман, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган мазкур қўшимчалар Марказий сайлов комиссиясининг мустақил, фақат Конституция ва қонунлар асосида фаолият юритишига, давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловларининг демократик андозаларга мос тарзда ўтказилишига, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўлақонли рўёбга чиқарилишига, сайловларга турли давлат ва ҳокимият органларининг асоссиз аралашувини бартараф этишга хизмат қилади.

Конституцияга жорий этилган янгилик Марказий сайлов комиссиясининг мақоми янада юксалаётганлигини намоён этади. Бу орқали фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркинлигини рўёбга чиқариш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлаш борасидаги демократик ислоҳотлар янги босқичга юксалаётганлигини кўрсатади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган юқоридаги янгиликлар ўз мазмун-моҳиятига кўра Президентимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»даги муҳим ғояларнинг мантиқий давоми ва амалий ифодасидир. Бу янгиликлар юртимиздаги демократик ислоҳотлар тадрижий давом этаётганлигини намоён этади ҳамда муҳим ҳуқуқий асос сифатида мамлакатимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

**Шуҳрат ЯКУБОВ,**
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари, юридик фанлар номзоди, доцент.

**➢ Муносабат**

Бундан 23 йил аввал "буюк карвон йўлга чиқди". Она юртимиз Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини эълон қилди. Ўша пайтлари 70 йилдан зиёд мустабид тузум, унинг асоратлари ва мафкураси гирдобида бўлган, иқтисодиёти буткул марказга қарам, битмас-туганмас бойликлари бўлсада, ночор, ўзини ўзи таъминлашга кучи етмаган ўлканинг мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйишини тасаввур қилиш қийин эди. Аҳвол чин маънода оғир: мамлакатмимизга собиқ тузумдан бир ёқлама ривожлантирилган мажруҳ иқтисодиёт, экологик носоғлом муҳит, яроқсиз қишлоқ хўжалиги тизими мерос бўлиб қолган, ишсизлик авж олган бир пайт эди.

# Ғаллачилигимиз тараққиёти — фаровонлик гарови



Шундай бир мураккаб вазиятда эълон қилинган мустақилликни асраб қолиш эса янада кўпроқ жасорат, ақл-заковат ва буюк иродани талаб этарди. Бу ҳақда ўйлаганда, давлатимиз раҳбари томонидан ғоят оғир ана шу дамларда кўрилган чора-тадбирлар кўз олдимиздан ўтади. Аҳолига қўшимча томорқа ерлари ажратиш ҳақида қабул қилинган фармон ва қарорлар ишсизликдан қийналган ва оиласини боқишга моддий манба тополмай боши берк кўчага кириб қолган деҳқонлар учун қандай ёруғлик бахш этганини тушуниш қийин эмас.

Очиғи, бу гапни эшитганда аввалига ишонмадим. Чунки бу вақтга қадар бир қарич ҳам ортиқча ер йўқ, деган сўзни эшитардик, холос. Рост бўлиб чиқди. Бошқалар қатори мени ҳам чақириб, "мана бу картадаги ер сизга", дейишганда кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Бу тадбир мустақилликнинг биз деҳқонларга берган дастлабки неъмати эди.

Бу фармон ва қарорлар доирасида мамлакатимиз бўйича 2,5 миллион оилага 700 минг гектар суғориладиган ер томорқа сифатида хусусий мулк қилиб берилди ва қишлоқларимиздаги ижтимоий муаммоларни ечиш, жар ёқасида турган юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда улкан тарихий қадам бўлди.

Азалдан дунё деҳқон қўлига суянади, деган пурҳикмат нақл бор. Чиндан ҳам халқимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўкин-сочинлиги қишлоқда ер эгалари бўлган миришкор деҳқонларимизнинг саъй-ҳаракатларига, мардона меҳнатларига боғлиқ.

Ўзим 25 йилдан буён қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилиб келаяпман. Ғалла, сабзавот ва боғдорчиликда ҳар йили мўл ҳосил етиштираман. Хусусан, бу йил ғалладан 70 центнердан ҳосил етиштириб, мамлакатимизнинг улкан хирмони тезроқ бунёд этилишига ўз ҳиссамни қўшдим.

Президентимизнинг ғаллакорларимизга йўллаган табрикларини ўқиб астойдил хурсанд бўлдим. Ризқ-рўз яратаётган деҳқон ҳамиша элнинг, Юртбошимизнинг назарида туриши мен қатори барча ҳамкасбларимга алоҳида ғурур, масъулият юкламоқда.

Изланишларимиз, ғайратшижоатимиз билан фермерликнинг имкониятларини тўлароқ рўёбга чиқаришга ҳаракат қилаяпмиз. Деҳқончилик маданиятини юксалтириш орқали ердан кўпроқ ҳосил олиш заруратини чуқур тушуниб этаяпмиз.

Ҳеч истисносиз айтиш мумкинки, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар бугун ўз самараларини бермоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, табиий унумдорлиги ошмоқда. Деҳқончиликда интенсив технологиялар дадил жорий этилмоқда. Шу туфайли асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ялпи ҳажми кескин ошмоқда. Хусусан, ғаллачиликда ўзига хос тажриба мактаби яратилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Биргина бизнинг иқлим шароитимизга мослаштирилган буғдойнинг "Краснодар", "Дурдона" сингари навларидан 70-80 центнердан ҳосил етиштирилмоқда. Бу ғаллачиликда илмий-тадқиқот ишлари тўғри олиб борилаётганлиги ва деҳқонлар билан ҳамкорлик кенг йўлга қўйилганлигини кўрсатади.

Айтиш керакки, соҳадаги изчил ислоҳотлар туфайли бугун мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига деҳқонларнинг янги авлоди кириб келди. Бу авлод бундан йигирма йиллар аввалги оддий деҳқон эмас, далага оддий кўз билан эмас, балки замонавий билим ва кўникмалар, янгича дунёқараш билан нигоҳ соладиган, меҳнати қадрини биладиган, сарҳисобини қила оладиган, хомашё эмас, балки ҳосилини қайта ишлаш ва уни нафақат юртимиз бозори, балки хорижга олиб чиқиш фикрига тушган фермерлардир.

Кейинги йилларда энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида давлатимиз раҳбарининг Фармони билан мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун Ватаннинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлар орасида ана шундай фермерлар номлари кўпроқ учраётгани дилни қувонтиради, юракда ифтихор туйғуларини уйғотади.

**Қаҳрамон СУЯРОВ,**
Самарқанд туманидаги "Зуҳриддин-Муҳриддин боғлари" фермер хўжалиги раиси, "Адолат" СДП аъзоси

# Мустақиллик бизга имконият ва ижодий эркинлик берди

**➢ Дил сўзи**

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилган тайёргарлик ишлари қизғин тус олган айни кунда, истиқлол билан тенгдош бўлиб, мана шу ўтган йиллар давомида мамлакатимиз тараққиёти йўлида барча соҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар, эзгу ишларни кўз ўнгида кўриб улғайган, мустақил юртнинг бахтиёр қизи бўлганлигимдан фахрланаман.

Олис қорақалпоқ овулларининг бири Қораўзак туманининг «Маданият» овулида туғилиб, шу ҳудуддаги 8-сонли мактабда 9 йил давомида ўқиб, таълим-тарбия олдим.

Болалигимдан санъатга бўлган қизиқишим ва меҳрим баланд бўлгани туфайли мактабда ўқиш билан бирга туман марказидаги 16-сонли болалар санъат мактабининг фольклор бўлимига ўқишга қатнаб, устозим Зоя Кушербаевадан қорақалпоқ миллий соз асбоби дуторда соз чертишнинг сирларини ўрганиб бордим.

Таҳсил олиш давомида ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган қатор кўрик-танловларда фахрли ўринларни эгаллашга муяссар бўлдим.

2005 йилда М.Қориёқубов номидаги созандалар танловида Ўзбекистон миқёсида биринчи даражали диплом билан тақдирланган бўлсам, 2006 йилда «Келажак овози» танловида Қорақалпоғистонда биринчи ўринга сазовор бўлдим.

Ҳаммасидан ҳам энг қувонарлиси, ўз фарзандлари келажагига юксак эътибор қаратиб, имкониятлар эшигини очиб берган мустақил юрт бахтиёр қизларининг бири сифатида Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлигим бўлди.

Мамлакатимизда таълим соҳасига қаратилган юксак эътибор ва Президентимизнинг ўз фарзандларига бўлган оталарча ғамхўрлиги самараси ўлароқ, 12 йиллик бепул таълим жорий этилганлиги боис Нукус маданият ва санъат коллежида ўқишимни давом эттириб, «Ўзбекистон халқ бахшиси» Ғайратдин Утамурадовдан қорақалпоқ миллий мусиқа санъати сирларини пухта эгаллашга ҳаракат қилдим.

2010 йили Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультетига «Санъатшунослик» йўналиши бўйича ўқишга кирдим. Айни кунда ўқишимни магистратура йўналишида давом эттиришга таёргарлик кўраяпман.

Ҳаётимдаги яна бир қувончли воқеалардан бири — 2013 йил бошида мақсад ва ғоялари қарашларимга тўғри келганлиги учун «Инсон манфаатларини — энг олий қадрият» деб билган Ўзбекистон «Адолат» СДПга аъзо бўлганлигим ҳисобланади.

Мақсадим мамлакатимизда мустаҳкам фуқаролик жамияти қуриш жараёнида партия аъзоси сифатида иштирок этиш, партия дастурий вазифаларининг ижросини таъминлаш орқали давлатимиз ривожига ўз улушимни қўшиш, зиммамдаги катта масъулиятни оқлаш учун ўз билим ва иқтидоримни, бор куч-ғайратимни сарфлаш саналади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим билдимки, юртимизнинг ҳар бир фуқароси учун мустақиллик энг аввало, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлақонли англаш ҳамда ушбу ҳуқуқларидан фойдаланиши демакдир.



**Улбосин ЎРИНБАЕВА,**
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси

# Кадастр хизматлари такомиллаштирилди

**Жорий йилнинг 1 августидан бошлаб, ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари томонидан айрим давлат хизматлари бепул амалга ошириладиган бўлди.**

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 июльдаги "Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 186-сонли қарорига мувофиқ, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни, кўчмас мулк объектларини ижарага бериш шартномаларини, ипотека ва ипотека шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек, бино ва иншоотларнинг мансублиги ва таркиби тўғрисида ёки шахсий турар жой мавжудлиги (йўқлиги) тўғрисида маълумотномалар бериш ҳамда бегоналаштирилаётган ёхуд мерос бўйича ўтаётган бино ва иншоотларнинг амалдаги таркибини ва ҳолатини аниқлаштириш мақсадида уларни натурада ўрганиш сингари бепул давлат хизматлари кўрсатилади.

Мазкур қарорга кадастр ҳужжатларини техник инвентаризациядан ўтказиш ва расмийлаштириш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилаш тартиби илова қилинган.

**Сарвар БОЙТЎРАЕВ**

ADOLAT
№ 30 (991) 2014-yil
25-iyul, juma

# Ҳудудий партия ташкилотларида

## Фаол қуйи бўғин — келгуси муваффақиятлар гарови

**➢ БПТ — партия таянчи**

Ҳар қандай сиёсий партиянинг мақсад ва вазифалари асосан унинг қуйи бўғинлари орқали амалга оширилади. Бошланғич ташкилотлар фаолияти бошқа партиялар қатори Ўзбекистон «Адолат» СДП учун ҳам мақсад ва вазифалар ижросини таъминлайдиган ҳамда электорат манфаатини ифодалайдиган асосий нуқта ҳисобланади. Бу тузилма зиммасига сайловолди дастуримизни ҳаётга татбиқ этиш ва электорат билан ишлаш вазифаси юклатилган.




Таъкидлаш жоиз, қўйилган мақсадларни бошланғич партия ташкилотлари, уларнинг етакчи ва фаолларининг фаол позициясисиз амалга ошириб бўлмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон «Адолат» СДП ана шу бўғин фаолиятини мунтазам такомиллаштириб бормоқда. Шу муносабат билан партия Сиёсий Кенгашининг Ижроия қўмитаси 2014 йилни партия тизимида — «Бошланғич партия ташкилоти йили» деб эълон қилди. Бошланғич партия ташкилотларида ўтказилаётган «Бошланғич партия ташкилотларининг самарали фаолиятини таъминлаш» мавзуидаги туркум ўқув-семинарлар етакчиларининг сиёсий билимларини оширишга, уларда амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик туйғуларини мустаҳкамлашга, сафларимизни ёш, истиқболли, ташаббускор ва замонавий фикрлайдиган кадрлар билан тўлдиришга, айни пайтда аҳоли билан иш олиб боришнинг замонавий шакллари хусусида тасаввурларининг бойишига ва уни амалда қўллаш асосларининг шаклланишига кўмак беради.

Хусусан, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг барча ҳудудий ташкилотларида жорий йилнинг биринчи ярмида «Бошланғич партия ташкилотларининг самарали фаолиятини ташкил этиш механизмлари» мавзусида ўтказилган ўқув-семинарлари доирасида ушбу тузилма фаолиятига оид бир қатор масалалар чуқур ўрганилди ва тегишли хулосалар чиқарилди. Энг муҳими, ана шу тадбирлар давомида аҳоли ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган, ташаббускор, етакчилик қобилиятига эга ва масъулиятли кадрлар танланиб, кадрлар захирасига олинди. Қуйи ташкилотлар фаолиятини кучайтириш орқали Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва ролини кенгайтириш, партия Марказий аппарати ва ҳудудий ташкилотларининг раҳбар кадрлари, бошланғич партия ташкилотлари фаолларининг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий онгини янада юксалтириш, уларда атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ва мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, касбий маҳоратини ошириш каби устувор мақсадларга эришиш кўзда тутилган.

Шунингдек, семинарлар доирасида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари БПТларга бириктирилиб, уларга электорат билан доимий алоқа ўрнатиш, қуйи бўғинлар фаолиятига халал бераётган муаммо ва камчиликларни аниқлаш вазифалари юклатилди. Бундан ташқари, БПТларга электорат вакилларининг қонуний манфаатлари юзасидан юқори партия ташкилоти ҳамда ўзига бириктирилган депутатга доимий тарзда таҳлилий материаллар ва таклифлар тақдим этиб бориш вазифаси топширилди.

*БПТлар жамиятда шаклланаётган қарашларга янада фаол таъсир этиб, жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиши, ижтимоий муаммолар ҳал этилишига кўмаклашиши зарур. Улар ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, социал-демократик ғояларни тарғиб этишда Ўзбекистон «Адолат» СДП ва электорат ўртасидаги мустаҳкам кўприк вазифасини ўтамоғи лозим.*




Бундай ноанъанавий ёндашув натижалари фаолиятимизни бирмунча кучайтирди, дея оламиз. Масалан, Сирдарё ва Андижон вилоятларидаги бошланғич партия ташкилотлари аъзолари орасида айниқса, тиббиёт ходимлари кўпчиликни ташкил этади. Бугунги кунда улар томонидан **«Она соғлом — юрт соғлом» ва «Саломатлигингиз ўз қўлингизда»** мавзуларида турли тадбирлар ва аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда аниқланган касалликларни даволашга қаратилган **«Саломатлик акцияси»** ташкил этилганлиги фикримиз далилидир. Натижада фуқароларда ўз саломатлигига эътибори ортиши баробарида партиямиз фаолиятига қизиқувчилар сафи ҳам кенгайиб бормоқда.

Шунингдек, Жиззах, Хоразм, Самарқанд ва Тошкент шаҳрида ҳам таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳада хизмат қилаётган кадрларнинг партиямиз аъзоси сифатида ўз соҳаларида фидойилик кўрсатаётганини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда, мазкур чора-тадбирлар самараси ўлароқ, БПТлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30 тага кўпайган бўлса, партия сафига мингдан ортиқ янги аъзолар қўшилди. Шунингдек, ўтказилган минтақавий ўқув-семинарларда 10 мингдан зиёд партия фаоллари иштирок этдилар.

БПТ аъзоларининг, айниқса, етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга эътибор кучайтирилмоқда. Зеро, ишни ташкил этиш, юқори партия ташкилотлари талабларини бажариш учун партиявий тажриба билан бир қаторда сиёсий билимларнинг ҳам тўкис бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, сиёсий ўқувлар давомида намунали партия ташкилотларининг ютуқлари, эришган натижалари, иш фаолияти ўрганилиб оммалаштирилди. Жойларда ўтказилаётган тарғибот тадбирларининг таъсирчанлигини янада ошириш, замонавий сиёсий технологиялар ва ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш борасида зарурий тавсиялар берилди. Аҳоли орасида ўтказилаётган тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш, мазмунини оммабоплаштириш, шаклларини ўзгартириш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Агар тадбирларга нотиқлик санъатини мукаммал эгаллаган, моҳир сиёсатшуносларни жалб эта олсак, бу тадбирнинг қизиқарли бўлишини таъминловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, БПТлар жамиятда шаклланаётган қарашларга янада фаол таъсир этиб, жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиши, ижтимоий муаммолар ҳал этилишига кўмаклашиши зарур. Улар ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, социал-демократик ғояларни тарғиб этишда Ўзбекистон «Адолат» СДП ва электорат ўртасидаги мустаҳкам кўприк вазифасини ўтамоғи лозим. Шундагина жамиятда партиямизнинг обрў-эътибори мустаҳкамланаверади.

**Қаҳрамон ҚЎЛДОШЕВ**




**➢ Пленум**

Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилояти кенгашининг XI пленуми бўлиб ўтди. Партиянинг шаҳар, туман кенгашлари раислари, маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органларидаги депутатлари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этган анжуманда дастлаб Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида мамлакат Президентининг қароридан келиб чиқадиган муҳим сиёсий вазифалар муҳокама этилди. Сўнгра партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампанияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларни ташкиллаштиришда вилоят партия кенгашининг иштироки ҳамда "Соғлом бола йили"-га бағишланган Давлат дастури ижросини таъминлашда шаҳар, туман партия кенгашлари фаолиятини янада кучайтириш масалалари хусусида атрофлича фикр юритилди.

## Уч юз саксон бешта БПТ

### сайловлар натижасини ижобий ҳал эта оладими?

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, партиянинг барча бўғинларида сиёсий фаолият самарадорлигини ошириш, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ишчанлик муҳитини кучайтириш, эришилаётган натижаларни чуқур таҳлил этиш асосида зарур хулосаларга келишга туртки берадиган ҳар уч масала пленум иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

— Давлатимиз мустақиллигининг 23 йиллигини муносиб нишонлашимиз чуқур ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик масаладир, — деди пленумда маъруза қилган вилоят партия кенгаши раиси М.Бобоёров. — Шундан келиб чиққан ҳолда тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда "Ким эдигу ким бўлдик?" деган ҳаётий ҳақиқатни асосий ва бош ғоя сифатида белгилаб олишимиз, барча бунёдкорлик ишларини Ватан тараққиётини кўзлаб амалга оширишимиз зарур.

Таъкидландики, партиянинг шаҳар ва туманлар кенгашлари, БПТлар мустақилликнинг 23 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича ўз режаларини "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида тузишлари ҳамда сиёсий ташкилотчилик, ташаббускорлик хислатларини яққол намоён этишлари лозим. Шунингдек, партия ташкилотлари байрам билан боғлиқ дастурлар ижросига жойлардаги давлат ва нодавлат идораларини кенг жалб этишлари, аҳолининг турли қатламлари ўртасида дилтортар мулоқотлар, учрашувлар, адабий-бадиий кечалар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ўтказишга таниқли олимлар, санъаткорлар, меҳнат фахрийларини таклиф этишлари зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Пленумда муҳокама этилган партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампанияси ва давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни ташкил этиш масаласи ҳам қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Вилоят партия кенгаши раисининг биринчи ўринбосари М.Шарипованинг маърузасида бу борада шаҳар ва туманлар партия кенгашлари томонидан олиб борилаётган ишлар чуқур таҳлил этилди ва имкониятлардан фойдаланиш борасидаги сусткашликлар, камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, ҳисобот-сайлов конференциялари партия бўғинларидаги раҳбарлар ҳисобдорлигини таъминлаши, сиёсий вазифаларни тўлақонли амалга ошириш билан бирга партиявий ишлар натижаси учун масъулиятни кучайтириши таъкидланди. Шу боис 16 та шаҳар ва туман партия кенгашларида, мавжуд барча (385 та) БПТларда бу иш юксак уюшқоқлик ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтиши лозим.

Башарти аввалги сайловлар натижаси таҳлил этиладиган бўлса, вилоятнинг Булунғур, Пахтачи, Оқдарё, Нуробод туманлари ва Каттақўрғон шаҳар кенгашлари таркибига партиядан депутат сайланмагани бугун жиддий хулосалар чиқаришга ундамоқда. Шу боис маҳаллий Кенгашларга сайловларни ташкиллаштириш ва муносиб номзодларни тайёрлаш, улар билан зарур сиёсий, тарбиявий ишлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Пленумда қайд этилганидек, вилоят партия кенгашида партия фаоллари ва номзодлар учун аниқ мақсадга қаратилган сиёсий ўқувлар тизимли йўлга қўйилгани ва уни олиб борадиган масъул кишилар белгилаб чиқилгани ижобий ҳолат, албатта. БПТларнинг ижтимоий-сиёсий ишлар доирасидаги иштироки кенгайиб бораётганлиги ҳам маъқул ҳол. Эндиги вазифа ҳар битта сайлов округлари ҳудудида тузилган ва тузилаётган БПТлар сайлов жараёнида номзодларни зарур даражада қўллаб-қувватлашларига эришишдан иборат.

Пленумда "Соғлом бола йили"га бағишланган Давлат дастурини амалга оширишда вилоят партия кенгаши фаоллари, депутатлар иштироки ҳар томонлама муҳокама этилди. Бу борада соғлиқни сақлаш, спорт-соғломлаштириш муассасалари ишини ташкил этишдаги ибратли саъй-ҳаракатлар билан бир қаторда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар, соғлом авлод тарбиясига кўмаклашадиган муҳим омиллар кўрсатиб ўтилди.

*Аввалги сайловлар натижаси таҳлил этиладиган бўлса, вилоятнинг Булунғур, Пахтачи, Оқдарё, Нуробод туманлари ва Каттақўрғон шаҳар кенгашлари таркибига партиядан депутат сайланмагани бугун жиддий хулосалар чиқаришга ундамоқда.*

Анжуманда сиёсий фаолият самарадорлигини ошириш бўйича партиянинг Ургут, Пастдарғом, Самарқанд, Булунғур туманлари кенгашлари раислари — Р.Эсонов, Х.Ҳайитова, З.Қуддусова ва Н.Мамадиёровалар ўз таклифларини баён этдилар.

Пленумда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
«Adolat» мухбири

## «Фасл» ёрлиғи билан

Давоми. Боши 1-бетда

Унинг иш услуби, ташаббускорлиги ҳамкорларини қизиқтириб қолди. Унга ишонч билан тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш таклифини билдирганларида, сира иккиланмай бунга рози бўлди. Кир ювиш кукуни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратилган бизнес лойиҳасини ишлаб чиқди.

Янги лойиҳани амалга ошириш учун тумандаги Ваҳм қишлоғи ҳудудида фойдаланилмай, қаровсиз турган жой танланди. "Миллий банк" туман бўлими томонидан берилган 170 минг АҚШ доллари ва тадбиркорнинг ўз маблағи ҳисобига корхона биноси барпо этилди. Хитой давлатидан 200 минг АҚШ доллари миқдорида замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди.

Шу йилнинг апрель ойида "Аср шодлиги" хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси томонидан "Фасл" ёрлиғи билан кир ювиш кукуни ишлаб чиқарила бошланди. Натижада қишлоқ ёшларидан 25 нафари иш билан таъминланди.

— Айни вақтда кунига 10 тонна ярим тайёр ҳолдаги маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз. Тўла қувват билан ишлай бошлагач, бу кўрсаткич 30 тоннага етказилади, — дейди тадбиркор А.Ҳайдаров. — Ҳозирча икки турдаги хомашёни четдан келтиряпмиз. Келгусида уни тўла ўзимизда тайёрлашни режалаштирганмиз.

Корхона маҳсулотларига бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Водий вилоятларидаги бозорларда ҳозир "Фасл" кир ювиш кукуни ўз ўрнини топди.

— Алишер ёш бўлишига қарамай ҳам тадбиркор, ҳам партия фаоли сифатида ибратли ишларни амалга оширмоқда, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Шаҳрихон туман кенгаши раиси Марҳабохон Мўйдинова. — Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш олдимиздаги асосий вазифалардан бири бўлиб турган бугунги кунда у айнан хотин-қизлар ва ёшлар учун янги иш ўринлари яратмоқда. Яна биз билан ҳамкорликда кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоялашда ҳам фаол иштирок этади. Ваҳм қишлоғидаги бошланғич партия ташкилоти аъзолари сонининг ошишида ҳам етакчи сифатида самарали иш олиб бормоқда.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги олдидан олиб борилаётган тарғибот ишларида ҳам доим биз билан бирга.

Партиядошимиз бошчилигидаги корхонада келгусида қадоқлаш линияси, лаборатория қурилиши ниҳоясига етгач, корхонада ишчилар умумий сони 50 кишига етиб, маҳсулот тури кўпаяди. Ҳозир экспортни йўлга қўйиш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Бу борада ҳамкорлар кўмаги ва банк томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ишнинг янада тезлашишига хизмат қилади.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Андижон вилояти кенгаши
матбуот котиби

# Ижтимоий фаол, сиёсий ҳозиржавоб

**ёки репродуктив саломатликдан — энг яхши бизнес лойиҳасигача партия фаоллари томонидан муносиб қўллаб-қувватланаётгани хусусида**

**➢ «Адолат»нинг адолатли аёллари**

Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилоят, шаҳар ва туманлар кенгашлари ҳамда шу кенгашлар таркибидаги бошланғич партия ташкилотлари раисларининг олтмиш фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Маҳаллий давлат ҳокимиятида партия вакили бўлган депутат сифатида ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида масъул вазифаларда фаолият юритаётган партиядошларимизнинг юз нафардан зиёди "Аёллар қаноти"га мансуб.

Демак, жойларда партия сиёсатини йўлга қўйишда ва бу сиёсат орқали электоратнинг долзарб, ҳаётий манфаатларини ҳокимият идоралари доирасида ҳимоя қилишда аёл партиядошларимиз зарур мавқега, куч ва имкониятларга эга бўлишмоқда.



— Аслида ҳам шундай бўлиши керак, — дейди "Адолат" СДП вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" раиси, Самарқанд давлат университети олимаси Дилбар Бобоева. — Чунки жамиятдаги ислоҳотлар даставвал ҳар битта оиланинг, она ва боланинг ҳаётий эҳтиёжлари-ю манфаатларини ифода этгани боис биз ижтимоий турмушнинг мукаммал даражасини таъминлашда бевосита иштирок этишимиз, ташаббускор бўлишимиз лозим.

Дарвоке, партиянинг "Аёллар қаноти" вилоят кенгаши фаолиятига назар солсак, электорат томонидан маъқулланиб қўллаб-қувватланаётган талайгина ижобий ишларни кўришимиз мумкин. Энг аввало, ҳудудий партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан биргаликда олиб борилаётган сиёсий, ижтимоий-маданий тадбирлар "Соғлом бола йили"га бағишланган Давлат дастури ижросини таъминлашга қаратилгани боис алоҳида аҳамият касб этмоқда. Оилаларда репродуктив саломатликни таъминлаш, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида партиянинг "Аёллар қаноти" ташаббуси билан йил бошидан буён вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида "Саломатлик акцияси" босқичма-босқич ўтказиб келинмоқда. Мазкур тадбир жараёнида биринчи навбатда Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиб, энди бу иш олис қишлоқларда ҳам амалга оширилмоқда. Бир йўла оилани режалаштириш, соғлом болани вояга етказишнинг зарур шартлари хусусида партия фаоллари томонидан тарғибот-ташвиқот олиб борилмоқда.

"Соғлом бола йили"га оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар кўпқиррали бўлгани боис ижрони таъминлаш партия фаолларидан алоҳида масъулиятни, сиёсий ҳозиржавобликни талаб этмоқда. Хусусан, соғлом фарзанд тарбиясида оиладаги иқтисодий-маънавий муҳитни аниқлаш, илм олиш ва мустақил меҳнатга дастлабки кўникмаларни шакллантириш мақсадида турли хонадонларда учрашувлар ўтказилмоқда. Уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши имкониятлари ўрганилмоқда. Ана шу мулоқотлар асосида 70 дан ортиқ хонадонга фарзандлари билан оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишлари учун амалий ёрдам кўрсатилди.

*Пастдарғомлик яна бир сафдошимиз Шарбат Шодмонова партия аъзоси сифатида долзарб ижтимоий муаммоларга ечим топмоқда. У таклиф этган тадбиркорлик лойиҳаси БМТнинг тараққиёт дастури бўйича махсус грантга лойиқ топилиб, шу асосда "Дарғом санам чеварлари" корхонаси ташкил этилди. Бугун бу ерда 25 нафар ногирон аёл амалий меҳнат билан шуғулланиб, ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқаришмоқда, ҳатто чет элларга экспорт қилишмоқда.*

Ургут туманидаги оилавий тадбиркор, "Адолат" СДП аъзоси Зулфия Турсунова бугун зардўзлик билан шуғулланиб даромадларини кўпайтириб олгани ҳамда ўз фарзандлари эҳтиёжига сарфлаётганидан мамнун.

— Тўрт нафар фарзандимни илмли қилиб тарбиялаётганимдан, уларга ўз касбимни ўргатаётганимдан мамнунман, — дейди ургутлик сафдошимиз. — Фарзандларимга барча шароитларни яратганман. Айниқса, уларнинг хорижий тилларни мукаммал ўзлаштиришни учун зарур бўлган дарсликларни олиб берганман. Эндиги даромадим ҳисобидан, албатта, компьютер ҳам совға қилмоқчиман.

Демак, аёл жамиятда ўз ўрнини топишга, севган касбини қадрлаб рағбатланишга, баркамол фарзанд тарбияси билан шуғулланишга интиляпти. Партия "Аёллар қаноти"нинг асосий мақсади ҳам шу хотин-қизларни жамиятдаги янгиланиш жараёнларига фаол иштирок этишига ундаш, бу борада оилаларда юзага келган тажрибаларни кенг оммалаштиришдан иборат.

Пастдарғомлик яна бир сафдошимиз Шарбат Шодмонова партия аъзоси сифатида долзарб ижтимоий муаммоларга ечим топмоқда. У таклиф этган тадбиркорлик лойиҳаси БМТнинг тараққиёт дастури бўйича махсус грантга лойиқ топилиб, шу асосда "Дарғом санам чеварлари" корхонаси ташкил этилди. Бугун бу ерда 25 нафар ногирон аёл амалий меҳнат билан шуғулланиб, ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқаришмоқда, ҳатто чет элларга экспорт қилишмоқда.

Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин. Партия вилоят "Аёллар қаноти" кенгаши раҳбари Дилбар Бобоеванинг таъкидлашича, вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни тезлаштиришда, тадбиркорлик муҳитини кучайтиришда, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқаришда сафдошларимиз ибрат кўрсатишмоқда. Улар маҳаллада, меҳнат жамоасида, олий ўқув юртларида энг яхши ижтимоий таклифлар ва лойиҳаларнинг эгалари. Самарқанд давлат университетида бошланғич партия ташкилоти тузилганлиги таълим сифатини назорат қилиш, бу йўналишда мукаммал тавсияларни қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда. Самарқанддаги "СамАнтепгилам" ва "Бионур медсервис" корхоналари қошидаги БПТлар хотин-қизларнинг ижтимоий фаолиятини ошириш мақсадида, улар ўртасида турли танловлар ўтказиб келишмоқда.

Демак, "Аёллар қаноти" сафдошларининг ташаббусига қанот бўлмоқда. Уларни янги мақсад-интилишлар сари дадил бошламоқда. Фарзандларнинг соғлом, оиланинг фаровон бўлиши учун масъулият сезилмоқда. Сиёсий фаолиятда бу зарур фазилат.

**З.ТЎРАҚУЛОВ**

**➢ Ўз-ўзини танқид**

Ҳар бир сиёсий партиянинг мақсади ҳокимиятга келиш ва бу орқали ўз ғоя-мақсадларини рўёбга чиқаришдан иборатдир. Бу йўлда партия давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этади. Шу йўл билан сиёсий майдонда ўз ўрнини топади. Бу мақсадларга эришиш жараёнида партиялардан салоҳият, сиёсий жиҳатдан етук кадрлар, фаол бошланғич партия ташкилотлари, кўп сонли аъзолар талаб этилади.

# Иллатлар боши локайдликда

Ўз навбатида, бу омиллар партия ғояларини кенг тарғиб этиш, жамоатчилик орасида партия мақсад ва вазифаларини ёйиш учун амалий тадбирларини кўпайтиришга даъват этади. Айнан мана шу жиҳатларни чуқур англаган Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилояти кенгаши бу борада самарали иш олиб бормоқда.

Бугунги кунда вилоятдаги партиянинг 5200 нафарга яқин аъзолари 166 та бошланғич партия ташкилотларига бирлашган.

«Адолат» СДП Сирдарё вилояти кенгаши томонидан ўтказилаётган учрашувлар, семинар-тренинг ҳамда давра суҳбатларида иштирокчиларнинг кенг қамровли аудиториясини жалб қилишга, шунингдек, партия аъзолари сафини кенгайтиришга эришилмоқда.

Хусусан, ўтган 2013 йил мобайнида вилоят партия кенгаши томонидан 100 дан ортиқ ана шундай тадбирлар вилоятдаги корхона ва ташкилотларда, маҳалла ва овулларда, ўқув муассасаларида ўтказилди. Партия фаолларининг изланувчанлиги ва жонбозлиги натижасида партия сафига 400 нафарга яқин янги аъзолар қўшилди.

Хусусан, Гулистон шаҳар кенгашининг ўтган йил давомидаги сермаҳсул фаолияти натижасида аъзолар сони 150 нафарга ўсди.

Тўғри, фаолиятимизда ютуқлар билан бирга айрим муаммо ва камчиликлар ҳам борки, улар ютуқларимизга соя солмоқда. Масалан, партия нуфузи ва амалий ишларига тўсиқлик қилаётган муаммолардан бири айрим туман партия кенгашлари етакчиларининг лоқайдлигидир.

Партиянинг Оқолтин туман ва Ширин шаҳар кенгашлари фаолиятининг таҳлили шундай хулосага келишимизга сабаб бўлди.

Мазкур туманларда ўтказилаётган тадбирларда ҳануз қуруқ маърузабозлик каби эскича қарашлар ҳукмронлик қилмоқда, партиявий бурчга бефарқлик, лоқайдлик билан ёндашиш ҳолатлари учраб турибди. Бу эса тадбирларнинг таъсирчанлиги ва савиясини тушириб юбормоқда. Албатта, фаолиятга юзаки қараш бошқа муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Хусусан, юқорида номи келтирилган туманларда аъзолар ҳам, бошланғич партия ташкилотлари сони ҳам ўсмаяпти.

Партия фаолиятини янада кучайтириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда фаол иштирок этиш юзасидан ҳаётий таклиф ва тавсиялар эса бармоқ билан санарли. Электорат билан учрашувлар ўтказишда, партия депутатлик гуруҳи томонидан эса маҳаллий Кенгашлар сессияларига масалалар киритишда ҳам мазкур икки туман ортда қоляпти.

— Мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича вилоят партия кенгаши томонидан ушбу туманлар доимий назоратга олинди, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари Д.Абдуллаева. — Махсус ишчи гуруҳи тузилди. Шу билан бирга, фаолларнинг сиёсий, ижтимоий билимларини ошириш мақсадида сиёсий ўқувлар ташкил этиб келинмоқда. Мақсад ўқув-семинарлар орқали сиёсий ва ҳуқуқий билимлари юқори, дунёқараши кенг кадрлар захирасини яратишдан иборат.

**Ўз мухбиримиз**

Reklama o'rnida

# Мижозлар манфаати йўлида

**➢ Фаолият**

Яқинда ўз фаолиятини бошлаганига 90 йил тўлган Қўқон синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотларни ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Сертификатлаштириш тартиботини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юзасидан муайян ишларни амалга оширди.

Хусусан, марказга ушбу давр мобайнида 352 та ариза ва мурожаатлар тушган бўлиб, сертификатлаштириш миллий тизимида белгиланган тартибга асосан жами 459 та мувофиқлик сертификати расмийлаштирилди. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига 216 та, машинасозлик маҳсулотларига 243 та мувофиқлик сертификатлари берилгани шулар жумласидандир. Сертификатлаштириш учун тақдим этилган маҳсулотларнинг синов натижаларига кўра яроқсиз маҳсулот бўлмаганлиги ҳамда вилоятда жойлашган корхона ва тадбиркорлар томонидан узлуксиз ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сертификатлаштириш натижасида 62 та мувофиқлик сертификати расмийлаштирилгани қувонарлидир албатта.

Хизматлар лицензияланган

Президентимизнинг "Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори борасида экспорт маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ташкил этувчи саноат корхоналарида сифат тизимларини босқичма-босқич жорий этиш мақсадида Қўқон шаҳар ва атроф туманларида тармоқ жадвалига 23 та корхона киритилган бўлиб, ҳозирги қадар уларда сифат тизимларини жорий этиш ишлари бошланган. 15 та корхона эса сертификатлаштирилди. "Dangara-Mexridil", "Atirgul", "Элнур", "Рузматжон ота", "Водий Шифер Савдо", "Los Gigantes Textiles", "Қўқон Пойабзали", "Имано Гроуп" МЧЖлар, "Наврўз" ХК, "Имкон" ИЧСК, "Бешариқтекстил" ОАЖ ҚКси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, ўзи мустақил жорий этган корхоналар, хусусан, "Атиргул" МЧЖ корхонаси "DQS", "Dangara-Mexridil" МЧЖ корхонаси "Inter sert konsalt" МЧЖ қошидаги сифатни бошқариш тизимларини сертификатлаштириш идораси, "Blut textile" МЧЖ корхонаси эса "Mezon Sert Servis" МЧЖ сифат тизимларини сертификатлаштириш идораси томонидан сертификатлаштирилди. "Бешариқтекстил" ҚК, "Элнур" МЧЖ, "Сувли Бўёқ" МЧЖ, "Los Gigantes textile" МЧЖ ҚКларида "ISO 19011 стандарти талабларига мувофиқ ички аудитни ташкиллаштириш ва ўтказиш" мавзуида ўқув курслари ўтказилди.

Марказнинг аккредитланган физик-кимёвий кўрсаткичлар бўйича синов мажмуаси томонидан қишлоқ хўжалик, озиқ-овқат ва парфюмерия-косметика маҳсулотлари синовлари ҳамда геометрик, механик катталиклари бўйича синов лабораторияси томонидан автомобиллар, велосипедлар учун шиналар, камералар синовларини ўз вақтида ва сифатли ўтказишга қаратилган маълум ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, маҳсулотлар бўйича 1850 та синов ўтказилиб, 718 та синов баённомалари расмийлаштирилди. Сертификатлаштирилган маҳсулотларнинг сифатини доимий назорат қилиш мақсадида тузилган шартномаларга асосан эса 110 та синовлар ўтказилди.

Ўлчов воситаларини мажбурий давлат кўригидан ўтказиш учун метрологик қиёслов шартномаларини амалга ошириш ва «Метрология тўғрисида»ги Қонун талабларини бажариш борасида Қўқон синов ва сертификатлаштириш марказининг ўлчаш воситалари устидан давлат метрологик текширув бўлими томонидан вилоятдаги корхона, ташкилотлар билан доимий ишлар олиб борилаётир. Хусусан, ўлчамлар бирлигини таъминлаш ва вилоятидаги ўлчов воситаларини ҳисобга олиш мақсадида ҳудудда 287 та қиёслаш шартномалари тузилган. «Водийгазтаьминот» УК, «Фарғона электр тармоклари» ОАЖ ва Фарғона вилоят «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси билан Қўқон, Фарғона ССМлар ўртасида ишлаб чиқилган қўшма буйруқларга асосан «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлар бажарилишини ва унда ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш, хомашё лабораториялари ва ёнилғи энергетика ресурсларининг аниқ ҳисоб-китобини олишни таъминлаш учун марказнинг қиёсловчилари юқорида қайд этилган корхоналар, бошқармалар ва уларнинг туманлардаги тизимларида ўлчов воситаларининг ҳисобини олиб, қиёслов ишларини амалга оширдилар ва 20046 дона ўлчов воситаси давлат кўригидан ўтказилиб қиёсланди, шундан 186 донаси яроқсиз деб топилди ва у жами қиёсланган ўлчов воситаларининг атиги 0,9 фоизни ташкил этди.

Марказда фуқаролардан келиб тушадиган мурожаатлар, шикоятлар ва аризаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, шунингдек, ишонч телефони ишлаб турибди.

**Маъруф АЗИМОВ,**
Қўқон синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси директори

## Имзо калит сертификатининг муддати 12 ойдан 24 ойга ўзгартирилди

**Маълумки, мамлакатимизда интернет тармоғида миллий ахборот-қидирув тизимини ривожлантириш ва унда умумфойдалана оладиган ахборот ресурсларини жойлаштиришга, ушбу тизимни янада кенгайтириш, шунингдек, электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.**

Жумладан, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 сентябрдаги "Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори асосида юридик ва жисмоний шахсларга электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо калитлари ҳамда калит сертификатларини берувчи махсус институт шакллантирилди.

Мазкур қонун ва қонуности ҳужжатларда Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ушбу марказларнинг фаолият юритиш тартиби тасдиқланган бўлиб, унда рўйхатга олиш марказини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби, давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома бериш, рўйхатга олиш марказининг ваколатли шахсларига электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларини бериш вазифалари белгиланган. Шу билан бирга, электрон рақамли имзо воситалари, электрон рақамли имзо билан қўлда ўзи қўйган имзонинг бир хил аҳамиятга эга эканини эътироф этиш шартлари, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитларини ва очиқ калитларини яратиш, электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг жавобгарлиги ҳамда имзо калити сертификатининг амал қилиш муддати белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 9 июлдаги "Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга қадар электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддати электрон рақамли имзо рўйхатга олинган вақтдан бошлаб 12 ойдан ошмаслиги белгиланган бўлса, эндиликда бу муддат 24 ойга узайтирилди. Сертификатнинг амал қилиш муддати шартнома асосида узайтирилиши ва бундай узайтиришлар икки мартадан ортмаслиги ҳақидаги меъёр ўз кучини йўқотмади.

**Аброр ТУРСУНОВ**

ADOLAT
№ 30 (991) 2014-yil
25-iyul, juma



*Бухоро давлат университетида 6 минг 300 дан зиёд ёшлар математика, физика, информатика, психология, ўзбек тили ва адабиёти, хорижий тиллар, астрономия, тасвирий санъат, бошланғич таълим каби йўналишларда чуқур билим ва касбий кўникмага эга бўлаётир.*

*Билим масканининг ахборот-ресурс маркази, компьютер ва лингафон хоналари, илмий тадқиқот маркази, лаборатория, кенг ва ёруғ ўқув хоналарида талабаларнинг замонавий таълим стандартлари асосида пухта билим олиши учун барча шароитлар яратилган.*

*2013/2014 ўқув йилида университетни 1 минг 521 нафар бакалавр ва 71 нафар магистр битирди. Танлаган мутахассислиги бўйича чуқур билимга эга ёш кадрлар меҳнат фаолиятини бошлаш арафасида.*

***Суратда: битирувчи Дилдора Файзиева.***
**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат**

# Халқ маслаҳатчиси —

## судларда жамоатчиликнинг муҳим иштирокчиси

**➢ Кучли фуқаролик жамияти сари**

Судда халқ маслаҳатчиларининг иштирок этиши одил судловнинг ошкоралигини таъминлашга ва унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш сари бораётган давлатимизнинг асосий принципларига тўлиқ мос келади. Айтиш жоизки, мамлакатимизда суд соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ва тизимда қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳам судлар томонидан ишларни кўриш жараёнида ошкоралик ва холисликни таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 13-моддасида "Одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эгадирлар", деб қайд этилган.

"Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 62-моддасига кўра, халқ маслаҳатчилари фуқароларнинг яшаш ва иш жойларидаги йиғилишларда ўттиз ёшдан кичик бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари икки ярим йил муддатга очиқ овоз бериш йўли билан сайланади. Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган ва сайлов кунида ўттиз ёшга тўлган ҳарбий хизматчилар ҳарбий қисмлар йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 22 апрелдаги қонуни билан тасдиқланган "Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида"ги Низомга (янги таҳрирда) кўра, халқ маслаҳатчилари сайлови жиноят ишлари бўйича судлар ва ҳарбий судлар судьяларининг тегишли малака ҳайъати томонидан туманлар, шаҳарлар ҳокимлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан, ҳарбий қисмларда эса, ҳарбий қисмлар қўмондонлиги билан ҳамкорликда ташкил этилади.

Ўз навбатида, судьяларнинг малака ҳайъати халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказиш жараёни устидан назорат олиб боради; сайловларнинг ўтказиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади; сайлов натижаларини якунлайди; сайланган халқ маслаҳатчилари рўйхатини тузади ва тасдиқлайди; халқ маслаҳатчиларига тегишли гувоҳномалар беради; халқ маслаҳатчилари ўқишини ташкил этади.

Сайловлар меҳнат жамоаларида ва маҳаллаларда, шунингдек, ҳарбий қисмларда йиғилишлар шаклида ўтказилади. Йиғилишларда камида юз сайловчи тўпланган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади. Агар сайловчилар сони юз кишидан кам бўлса, халқ маслаҳатчилари сайлови бошқа меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмлар ҳамда маҳаллаларда яшовчи сайловчилар билан биргаликда ўтказилади.

Сайловлар бўйича йиғилишлар ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида фуқаролар йиғилишдан уч кун олдин хабардор қилинади.

Сайлов ҳар бир номзод бўйича алоҳида-алоҳида, очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилади ва йиғилиш қатнашчиларининг ярмидан кўп овозини олган шахслар халқ маслаҳатчилари этиб сайланади.

Йиғилишда раис, котиб ва беш-етти нафар аъзодан иборат раёсат сайланади. Баённома юритилиб, унга овоз бериш натижалари киритилади ва тегишли тартибда имзоланиб судьяларнинг малака ҳайъатига юборилади.

Судьяларнинг малака ҳайъати йиғилиш баённомасига асосланиб, сайлов натижаларини аниқлайди, ҳар бир суд учун алоҳида-алоҳида халқ маслаҳатчилари рўйхатини тузади ва уни тасдиқлаб, судларга юборади.

Тегишли судлар судьяларининг малака ҳайъатлари халқ маслаҳатчилари сайлови натижалари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясига тақдим этади, шунингдек, халқ маслаҳатчиларини ўқитиш ишлари қандай бораётганлиги ҳақида вақти-вақти билан ушбу Олий малака комиссиясига ахборот бериб боради.

Таъкидлаш жоизки, 2011 йил октябрь ойида сайланган халқ маслаҳатчиларининг ваколат муддати 2014 йилнинг июнь ойида тугаганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар, вилоятлар, туман ва шаҳар судлари ҳамда ҳарбий судларга жорий йилнинг апрель-май ойларида халқ маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови уюшқоқлик билан ўтказилди.

Сайловларда халқ маслаҳатчилигига номзодларни танлаш ва саралаш меъёрларига жиддий эътибор қаратилди. Натижада халқ маслаҳатчилари этиб, соғлиғи яхши бўлган, муқаддам судланмаган ва маъмурий жавобгарликка тортилмаган ҳамда маҳалласида ва жамоасида обрў-эътиборга ва муайян бой ҳаётий тажрибага эга бўлган маърифатли фуқаролар сайланди. Буни биргина жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судлари мисолида кўрадиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судига 720 нафар; туман ва шаҳар судларига 1062 нафар, ҳаммаси бўлиб 1782 нафар муносиблар халқ маслаҳатчилари этиб сайланди ва уларнинг рўйхати жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судлари судьялари малака ҳайъатининг 2014 йил 14 майдаги қарори билан тасдиқланди. Ушбу халқ маслаҳатчиларининг ваколат муддати 2014 йилнинг 1 июлидан 2016 йилнинг 31 декабрь кунига қадар қилиб белгиланди.

Халқ маслаҳатчилари институтини келгусида яна такомиллаштириш зарурлигини ҳисобга олиб, халқ маслаҳатчилигига номзодларни танлаш ва уларнинг сайловини ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий-ташвиқот ва назорат ишларини Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси ва унинг вилоятлардаги филиалларига бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки, халқ маслаҳатчилари — бу судларда жамоатчиликнинг ва энг муҳими халқ вакилларининг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган халқ ҳокимиятчилиги принципига тўла мос ва мувофиқ келади. Айни пайтда Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси ҳам республика судьяларининг ихтиёрий нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

Шунингдек, "Халқ маслаҳатчилари тўғрисида" Низом ва "Халқ маслаҳатчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда Республика юристлар малакасини ошириш марказида халқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш ва уларни ўқитиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Мухтасар айтганда, судларда халқ маслаҳатчиларининг иштирок этиши — одил судловнинг ошкоралигини таъминлашга ва фуқароларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Исматулла МАМАНОВ,**
жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судлари судьялари малака ҳайъати раисининг ўринбосари

**➢ Божхона бекати**

Республикамиз божхоначилари томонидан тамаки маҳсулотларининг божхона чегаралари орқали ноқонуний олиб ўтилишига қарши чора-тадбирлар давом эттирилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси "Келес" темир йўл чегара божхона пости ходимлари шу турдаги бир неча божхона қоидабузарликларини фош қилишди.

# Қоидабузар "кашанда"лар

"Москва-Тошкент" йўналиши бўйича кириб келган поезд вагонларини божхона кўригидан ўтказиш вақтида янгийўллик М.Ш. томонидан "Т-6" шаклидаги божхона декларациясида қайд этмасдан туриб, олиб ўтишга уринилган товар-моддий бойликлари орасида 3 турдаги 193 қути сигаретлар борлиги аниқланди.

Навбатдаги божхона қоидабузилиши ҳам шу йўналишдаги поезд вагонларидан бирида фош қилинди. Бу гал пойтахтлик И.Б. 3 турдаги 230 қути тамаки маҳсулотларини республикамиз ҳудудига ноқонуний олиб киришга уринган экан.

Уфадан юртимизга кириб келаётган поезд вагонларини божхона назоратидан ўтказиш вақтида божхоначилар янгийўллик М.Ш.нинг қинғир қилмишларига нуқта қўйишди. Бу гал 18 млн. сўм қийматдаги товар-моддий бойликларни божхона баённомасида қайд этмасдан олиб киришга уринган қоидабузарнинг юклари орасида 4 турдаги 420 қути тамаки маҳсулотлари ҳам борлиги аниқланди.

"Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан ҳам тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига оид қатор божхона қоидабузилишлари фош қилинди.

Жумладан, Истамбулга парвози олдидан самарқандлик Р.А. 2 турдаги 350 қути тамаки маҳсулотларини божхона баённомасида кўрсатмасдан туриб, олиб чиқишга уринган пайтда тўхтатиб қолинди.

«Тошкент-Рига-Нью-Йорк» рейси бўйича сафарга отланган самарқандлик С.Н. ҳам "кашанда"лар тоифасидан бўлиб чиқди. Қаранг-ки, 2 турдаги 500 қути тамаки маҳсулотларини божхона баённомасида ва оғзаки сўровлар пайтида маълум қилиш унинг "хаёлидан кўтарилибди".

Сеулга қайтиб кетаётган кореялик Ю.Ю эса республикамиздан "эсдалик" учун турли сувенирлар ёки амалий санъат буюмларини эмас, 500 қути тамаки маҳсулотларини божхона баённомасида ва оғзаки сўровлар пайтида маълум қилмасдан туриб, олиб кетишни маъқул кўрибди. Бундан эса ўзи панд еди, холос.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, 2014 йилнинг ўтган 6 ойи давомида республикамиз божхоначиларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда олиб борган чора-тадбирлари натижасида аниқланган 120 дан ортиқ қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 332 млн. сўмдан ортиқ салкам 120 минг қути тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Эслатиб ўтамиз, 1996 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган тамаки маҳсулотларини белгиланган намунадаги акциз маркалари билан мажбурий маркалаш тартиби жорий этилган. Мазкур тартибларга риоя қилмасдан тамаки маҳсулотларини юртимизга олиб кириш, акциз маркаларини ёпиштирмаган ҳолда ташиш (халқаро транзитдан ташқари), сақлаш ва сотиш эса тақиқланади.

Жисмоний шахслар эса республикамизга акциз солиғи тўламасдан туриб, фақат 10 қутигача тамаки маҳсулотларини олиб киришлари мумкин.

**Давлат божхона қўмитаси**
**Ахборот хизмати**

# Солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар

## тараққиётга хизмат қилади

**➢ Солиқ почтасидан**

Сўнгги пайтларда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортиш билан боғлиқ қонунчиликка киритилган ўзгартишларга эътибор қаратилса, улар тадбиркорларга қатор енгилликлар беришга қаратилгани билан аҳамиятли эканини кузатиш мумкин.

Жумладан, 2013 йилнинг 25 декабрида "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва 2013 йилнинг 7 октябрида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилиниши билан Солиқ кодексига солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун белгиланган моддаларнинг нормалари либераллаштирилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 январдаги 17-сонли қарорига асосан, давлат солиқ хизмати органлари томонидан "Хўжалик юритувчи субъектларда солиқ қарздорлиги йўқлиги тўғрисида хулоса бериш тартиби тўғрисида" Низом ишлаб чиқилди.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, давлат солиқ хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий банк (ҳисоб-китоб) ҳисоб рақамини ёпиш учун давлат солиқ хизмати органларида солиқ қарздорлиги йўқлиги тўғрисида хулоса бериш тартибини белгилайди.

Мазкур хулоса хўжалик юритувчи субъект рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати томонидан солиқ тўловчининг шахсий карточкаларидаги мавжуд маълумотлар асосида, бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади. Ўз навбатида, ушбу ҳужжат кейинчалик хўжалик юритувчи субъектнинг асосий банк (ҳисоб-китоб) ҳисоб рақамини ёпиш ҳуқуқини беради. Маълумотноманинг амал қилиш муддати тамом бўлган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектлар ушбу Низомда белгиланган тартибда янги маълумотнома учун ариза беришга ҳақлидирлар. Зарурат бўлганда, давлат солиқ хизмати органи хўжалик юритувчи субъект билан taққослама далолатнома тузиши мумкин. Ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар ҳам ушбу Низомда назарда тутилмаган маълумотларни талаб этмасликлари шарт.

Қайд этиш жоизки, солиқ қарздорлиги йўқлиги тўғрисидаги маълумотномани олиш учун давлат солиқ хизмати органига тақдим этилган ҳужжатлар улар олинган пайтдан бошлаб ўн кун мобайнида кўриб чиқилади, бироқ аризани кўриб чиққанлик ва маълумотнома бериш учун хўжалик юритувчи субъектдан ҳеч қандай йиғим ундирилмайди.

Аризани кўриб чиқиш учун материалларни қўшимча ўрганиш ёхуд бошқа чоралар кўриш зарур бўлган тақдирда, уни кўриб чиқиш муддати, истисно тариқасида туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси раҳбари томонидан ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Бу ҳақда ариза берган хўжалик юритувчи субъект, албатта, хабардор қилиниши лозим.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан Низомда кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаслиги, уларда нотўғри ва бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги, талаб ва шартларга мувофиқ эмаслиги маълумотнома беришни рад этиш учун асос ҳисобланади. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектда солиқ текшируви ўтказилаётган даврда ҳам маълумотнома берилмайди.

Хўжалик юритувчи субъектга маълумотномани давлат солиқ хизмати органи беради ёки уни рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормаларини ва ариза берувчи кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.

Давлат солиқ хизмати органи тегишли қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан кечикмай хўжалик юритувчи субъектга маълумотнома бериши ёки уни маълумотнома бериш рад этилганлиги тўғрисида хабардор қилиши шарт. Электрон шаклда берилган маълумотнома ёки хабарнома қоғоз тарзидаги ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект маълумотнома беришнинг рад этилиши, шунингдек, давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Маълумотнома йўқотиб қўйилганида ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг аризасига кўра унинг дубликати берилади.

**Баҳодир РАСУЛОВ,**
Наманган вилоят Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

**Сўранг, жавоб берамиз!**

**Ёшим 45 да. Фаррош бўлиб ишлайман. Иш ҳақим ўзимнинг эҳтиёжларим учун етмайди. Фарзандларимдан моддий ёрдам сўрасам, ўзингиз ишлаяпсиз, деб ёрдам беришмаяпти. Фарзандларимдан моддий таъминот олишим мумкинми ва унинг миқдори қандай белгиланади?**

С.Жамилова, Қумқўрғон тумани

*Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 109-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шартлиги, ота-онасининг давлат ва нодавлат муассасалари қарамоғида эканлиги вояга етган меҳнатга лаёқатли болаларни ота-она ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қилмаслиги белгиланган.*

*Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 110-моддасига мувофиқ, таъминот миқдори болаларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаган миқдорда суднинг ҳал қилув қарорига асосан тайинланади.*

**Менинг 6 нафар фарзандим бор. Улардан тенг миқдорда моддий таъминот олишни сўраб судга мурожаат қилган эдим. Фарзандларимнинг икки нафар жазони ижро этиш муассасасида жазо ўтаётганлиги сабабли ишни судда кўриш чўзилмоқда. Суд ишни ҳал қилгунига қадар моддий таъминот олиб туришим мумкинми?**

*Ш.Жўраев, Термиз шаҳри*

*Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 110-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласалар, таъминот миқдори болаларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланиши кўрсатилган.*

*Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан алимент ундириш низоси узил-кесил ҳал бўлгунга қадар судья шу низо бўйича вақтинча тўлаб турилиши лозим бўлган суммани кўрсатиб, ажрим чиқариши мумкинлиги мустаҳкамланган.*

**Мен фарзандларимдан моддий таъминот олиб келар эдим. Ҳозирги кунда касалланиб юролмай қолганлигим сабабли жарроҳлик операцияси ўтказилди. Даволанишим учун катта миқдорда харажат қилдим. Даволаниш харажатларини ҳам фарзандларимдан талаб қилишим мумкинми?**

*Т.Абдураҳмонов, Денов тумани*

*Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 111-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ота-онасининг касаллигига ва бошқа узрли сабабларга кўра қилинадиган қўшимча харажатларда иштирок этишлари шартлиги, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар томонидан қўшимча харажатлар ихтиёрий равишда қопланмаса, талаб қилинаётган сумма суд тартибида ундирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.*

*Қонунларимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож кексаларнинг ҳуқуқлари ҳимояси ҳам ўз аксини топганки, бу қонунларимизнинг инсонпарварлигидан далолат берувчи тамойиллардан бири ҳисобланади.*

Саволларга Қумқўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси **Наргиза АБДУЛЛАЕВА** жавоб берди.

# Кабутарлар қўнмас ерларда



Давоми. Боши 1-бетда

Афсуски бундай бўлмади, бўлинган дунёни қайта бўлиб олиш, шахсий манфаатлар кураши, сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий тубанлик, бузғунчилик, қўпорувчилик ҳаракатлари, дунё минтақаларида можаролар келтириб чиқариш, нифоқлашаётган томонларни бир-бирига гиж-гижлаш ва бунинг оқибатида ўзга ҳудудлардаги табиий бойликларни ўз тасаррувига олиш каби ғаразли ниятлар янада ошкоралашди.

Тан олиш керак, мустақил давлат сифатида оёққа тураётган юртимизга ҳам ўз вақтида турли бузғунчи ғоялар, маънавий-ахлоқий қадриятларимизга ёт иллатлар кириб кела бошлаганди. Ахборот хуружи, ёш авлод онги ва қалбини эгаллаш учун кураш авж олди. Бундай хавфлар ҳозир ҳам йўқ эмас, улар турли кўринишда, турли ҳолатда бўлиши мумкин.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб жамиятимизда барқарорликни таъминлаш, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш асосий вазифалардан бирига айланди. Инсоннинг энг муқаддас ҳуқуқларидан бири бу — тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш — давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам шу билан белгиланади. Тинчликни асраш ва мустаҳкамлаш учун турли бало ва офатларни аввалдан англаш, доимо уларнинг олдини олишга ҳаракат қилиш керак. Бугун жаҳонда рўй бераётган мураккаб ва қалтис жараёнлар ҳар биримизнинг ҳамиша сезгир, огоҳ ва уйғоқ бўлишимизни, бепарволикка, беғамликка йўл қўймасликни қатъий талаб сифатида олдимизга қўймоқда.

Халқимизнинг бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетади, деган наклида катта ҳикмат бор. Мана, қўшни Афғонистонда 35 йилдирки нотинчлик. Уруш жафокаш афғон халқи бошига не-не кулфатларни солмади дейсиз. Беқарорлик туфайли мамлакат иқтисодиёти издан чиқди, юртдан қут-барака кетди. Уруш туфайли Шимолий Африка, Яқин Шарқ минтақасидаги кўплаб мамлакатлар халқларининг ҳам ҳаловати бузилган. Деярли ҳар куни бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилаётир. Ушбу давлатларда туризм масканлари, осори-атиқалар, мактаблар, шифохоналар, маданият ва маърифат масканлари, йирик ишлаб чиқариш иншоотлари, аҳоли турар-жойлари харобага айланмоқда.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, Сурияда уч йилдан бери давом этаётган қуролли тўқнашувлар оқибатида 200 мингга яқин инсоннинг ёстиғи қуриди. Бундай мудҳиш воқеаларга уйғоқ фикр, теран тафаккур билан қараш ва баҳо бериш лозим. Бу муаммоларга менинг дахлим йўқ, деган тушунча билан яшашнинг, бепарво ва лоқайдлик билан қарашнинг ўзи хатоликдир. Бахтли яшаш учун дунёга келган миллионлаб одамлар бошига беҳисоб кулфат ёғдираётган бу урушларнинг келиб чиқиш сабабини чуқурроқ таҳлил қилганимиз сари уларни бошлаганларнинг асл мақсадлари намоён бўлаверади. Бир халқни бир-биридан айириб, улар ўртасида можаро чиқариб, уруш оловига ёғ пуркаб турган кучларнинг нияти ўша юртни ўз таъсир доирасига тортиш, ноғорасига ўйнатиш, табиий бойликларини талон-тарож қилиш эканлиги бугун ойдек равшан.

Маълумки, Яқин Шарқ минтақаси жаҳоннинг энг қайноқ нуқталаридан бири бўлиб келган. Қадимдан мазкур қулай, ўта муҳим геосиёсий ва геоиқтисодий макон йирик давлатлар, қудратли империяларнинг манфаатлари тўқнашадиган ҳудуд бўлгани тарихий манбалардан ҳам маълум. Шу бугунги кунда ҳам Яқин Шарқ ўзининг жозибадорлигини йўқотмаган.

Минтақанинг атрофидаги сиёсий ўйинлар, тортишувлар ва уни ўз таъсир доирасига олишга уринаётган давлатларнинг ёвлашаётган томонларни қурол-яроғ билан таъминлаётгани туфайли нафақат Сурия, балки унга туташ мамлакатлар аҳолиси ҳам кучли хавф босими шароитида яшаяпти. Бир вақтлар тинч-осойишта саналган, цивилизациянинг қадимий бешикларидан бири бўлмиш Шомдаги ўзаро биродаркушлик уруши ва унга турли террорчилик ташкилотлари ҳам қўшилиши натижасида уруш оловининг янада алангаланишига, можаронинг қўшни Ироқ ва Фаластин ҳудудларига ёйилишига туртки берди. Шу бугунга келиб Ироқ мазхабларaро тўқнашувлар масканига айланиб, парчаланиш остонасига келиб қолди. Юз бераётган ҳодисаларнинг фожиали томони шундаки, кўп йиллик ички қуролли ва сиёсий қарама-қаршилик натижасида вазиятнинг шу қадар кескинлашиб бориши бу мамлакатларни ўз-ўзини ҳалок қилиш ва давлатчиликдан маҳрум бўлиш даражасига олиб келиши муқаррар.

Бугун дунё давлатлари бирбири билан шундай мураккаб муносабатлар тизимига эгаки, бир мамлакатдаги уруш садоси дунёнинг бошқа нуқтасига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Энг ёмони, мана энди Яқин Шарқ ҳудуди халқаро террорчилар ва фундаменталистларнинг синов полигонига айланди. Бу ўлкалардаги лагерларда "ўлим жарчилари", фанатик террорчилар тайёрланмоқда.

Ҳозирча халқаро ҳамжамият бундай муаммоларга эътиборсиз, десак янглишамиз. Эътибор бор, аммо иттифоқчилик йўқ. Ҳар ким муаммога ўз мамлакати манфаати нуқтаи назаридан ёндашаяпти. МДҲ ҳудудидаги яна бир беқарорлик ўчоғи пайдо бўлдики, бу муаммони тинч йўллар билан ечиш масаласида ҳам якдиллик йўқ.

Юртбошимиз кўп бора таъкидлаганидек, уруш жамият ва давлатнинг ҳолатига фалокатли таъсир кўрсатади. Бу — урушнинг табиий йўлдоши бўлган иқтисодий вайронгарчиликдангина эмас, балки миллатнинг келажаги учун муҳим аҳамият касб этувчи бошқа соҳаларда ҳам намоён бўлади. Қандай бўлмасин, ватандошлар ўртасида нифоқни авж олдириш, ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлган қочоқлар оқими, жамиятда жиноятчи унсурларнинг кўпайиши, урушни пул топишнинг ягона манбаига айлантириш, миллат генофондига путур етказиш, ёш авлодни, ҳатто, бошланғич таълим олиш имкониятидан ҳам маҳрум қилиш шу халқнинг келажагини таъминлай олади, дейишга кимнинг ҳам қурби етади ёки виждони йўл қўяди?

Шубҳасиз, дунёнинг ҳар қандай нуқтасида юз бераётган можаролар ва уларнинг оқибатлари уруш исканжасига тушиб қолган мамлакатлар тараққиётини кам деганда ярим асрга орқага улоқтириб ташлади. Уруш маддоҳлари эса содда одамларни бу қурбонлар зарур эканлигига, ана шулар эвазига ёрқин келажакка эришиш мумкинлигига ишонтирмоқчи бўладилар. Демак, ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслик, доимо огоҳ бўлиб яшаш, нохуш ҳодисалардан тегишли хулоса чиқариб яшаш давр талабидир.

Биз тинчлик ва тараққиёт йўлини танлаган халқмиз. Осойишта юртда юксалиш бўлади, фаровон элдан хотиржамлик кетмайди. Истиқлол шарофати, давлатимиз раҳбарининг изчил сиёсати туфайли саодатли, файзли кунларга мушарраф бўлмоқдамиз. Шу боис элу юртимизнинг энг буюк бойлиги бўлган тинчликни мустаҳкамлаш, уни доимо асраш ҳар биримизнинг фуқаролик, фарзандлик бурчимиздир.

**Олимжон БЎТАЁРОВ**

## Норвегия:
### нақд пулга эҳтиёж йўқ




Мамлакатдаги йирик банк ва суғурта компанияларини бирлаштирган Finans Norge ташкилоти 2020 йилга келиб Норвегия дунёдаги ўз ҳудудида умуман нақд пул ишлатмайдиган ягона давлатга айланишини маълум қилган.

— Нақд пулнинг муомаладан чиқарилиши биринчи навбатда ўғирликларни сезиларли даражада камайтиради, — дейди ташкилот директори Идар Кройцер. — Иккинчидан, ҳукуматнинг молиявий жиноятчиликка қарши олиб бораётган кураши самараси ошади. Яъни, нақд тўловга нисбатан электрон тўловларни назорат қилиб бориш анча осон ва ўнғай. Учинчидан эса жамият катта иқтисодий наф кўради. Чунки, нақд пул ишлатиладиган операцияларга электрон тўловларга нисбатан билан икки баробар кўпроқ маблағ сарфланади.

Ташкилот маълумотларига кўра, норвегияликлар пластик карталарни афзал кўрганлари ҳолда, нақд пулдан тобора камроқ фойдаланишмоқда. Бугунги кунда жами молиявий операцияларнинг бор-йўғи 5 фоизи нақд пулда амалга оширилмоқда. Бу кўрсаткич Россияда 25 фоизни, АҚШда 7 фоизни ташкил этади.

Тўғри, бу ғоя ҳаммага ҳам маъқул келмаяпти. Жумладан, либерал партиянинг парламентдаги вакили Гури Мелби хоним ўз норозилигини яширмаяпти:

— Инсонда маҳсулот ва ўзига кўрсатилган хизмат учун ҳеч қаерда қайддан ўтмасдан пул тўлаш имконияти бўлиши керак. Нақд пул шундай имкониятни яратади. Нақд пул йўқ бўлди дегани эса, бу соҳадаги жиноятчилик йўқолди дегани эмас. Ахир бугунги куннинг ўзида кредит карталари ёки электрон тўловларни сохталаштираётган қанчадан-қанча фирибгарлик тизимлари ишлаб турибди-ку...

Дарвоқе, Швеция ҳам яқин келажакда нақд пуллардан воз кечишини маълум қилган.

## Россия:
### тез орада телепортация воқеликка айланади



Таниқли физик олим Сергей Филиппов словакиялик ҳамкасби Марио Зиман билан биргаликда ҳар қандай маълумотларни сақлашга қодир ўта майда заррачаларни бир жойдан бошқа жойга кўчириш имконини берадиган инновацион технология ишлаб чиқди. Баъзи тахминларга кўра, бундай технология яна чорак асрдан кейин инсониятнинг хизматида бўлади.

Маълумки, бир неча ўн йиллардан бери кўплаб мамлакатларнинг физиклари квант телепортациясини амалга оширишга уринишмоқда. Бироқ ҳозирча олимлар лабораториялардан бирида қўшни бинода жойлашган атомнинг мукаммал нусхасини яратишга муваффақ бўлдилар, холос.

27 ёшли Сергей Филиппов квант тартибсизлиги, яъни, исталган маълумотни сақлай оладиган зарраларнинг ўзига хос ички ҳаракатини, ҳолати ва таркибини тадқиқ этиб келмоқда. Бундай зарраларни жойдан жойга кўчиришда эса ташқи муҳитнинг таъсири муаммога сабаб бўлган, натижада европалик ва америкалик олимларнинг уч йил бурунги телепортация бўйича тажрибалари муваффақиятли якунланмаган.

Филиппов эса ҳамкасби билан биргаликда сигналларни бундай таъсирлардан ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқди. Бу мисли кўрилмаган даражада янги ва кенг кўламли имкониятларни юзага келтирди, жумладан, шахсий маълумотларни сақлаш соҳасида ҳам (мисол учун, маълумот узатиш жараёнига учинчи томон аралашса, бу ҳақда икки томонга хабар қилинади, сигналнинг ўзи эса ўша сониянинг ўзида йўқ бўлади). Россиялик олим 2040 йилдан бошлаб янги квант технологияси ҳаётнинг барча жабҳаларида ишлатила бошланишига ишонч билдирмоқда.

Афсуски, ҳозирча одамларни телепортация қилиш ҳақида гапиришга эрта. Зеро, нусха яратиш бошқа, одамни макон ва замонда бошқа жойга кўчириш бошқа...

## Голландия:
### 99 кунлик озодлик

Just агентлиги ишга туширган янги лойиҳа "99 Days Of Freedom" ("99 кунлик озодлик") деб аталади. Бу лойиҳада иштирок этадиган фуқаролар 99 кун мобайнида ижтимоий тармоқ Facebookдан мутлақо фойдаланмасликлари шарт!




Лойиҳа якунланган сўнг тадқиқотчилар ижтимоий тармоқнинг инсон руҳиятига таъсири хусусида муҳим хулосаларга келиши кутилмоқда.

Агентлик мутахассислари олиб борган тадқиқотларга кўра, лойиҳанинг кўнгилли иштирокчилари Facebookка кунига ўртача 17 дақиқа вақт сарфлашган. Демак, ҳар бир иштирокчи 90 кун мобайнида 28 соат вақтини иқтисод қилган бўлиб чиқади.

*Just агентлигининг арт-директори Мэрлин Стратхоф шундай дейди:*

— Ижтимоий тармоқдан ўз ўрнида ва меъёрида фойдаланиш фақат самара келтиради ёки аксинча. Мана шу жиҳатдан олиб қараганда, бизнинг тажрибамиз иштирокчилари жуда кўплаб ижобий ҳиссиётларни бошдан кечиришлари аниқ.

Лойиҳа шартига кўра иштирокчиларга 99 кун мобайнида ижтимоий тармоққа кириш ман этилади.

Маълумки, Facebook юз минглаб одамлар устида ўтказган махфий тажриба катта шов-шувлар ва жанжалларга сабаб бўлди. Натижада ижтимоий тармоқ вакиллари узр сўрашга ҳам мажбур бўлишди. Агентлик янги лойиҳани Facebookнинг махфий тажрибасига жавобан амалга оширилаётган хайрли тадбир деб атамоқда.



## АҚШ:
### мобиль қурилмалари аллергияга сабаб бўлиши мумкин

Олимларнинг аниқлашига қараганда, электрон мобиль қурилмалар, жумладан, ноутбук, планшет, қўл телефонлари таркибидаги никел улардан фойдаланувчиларда, айниқса, болаларда аллергия хасталигини келтириб чиқариши мумкин.

Сан-Диегода истиқомат қилувчи 11 ёшли бола баданини кутилмаганда узлуксиз қичишиб, тошмалар пайдо бўлган. Олиб борилган текширишлар бунинг сабаби бола қўлидан қўймайдиган iPad планшети таркибидаги никел эканлигини кўрсатди.

Дерматолог Шэрон Жейкобнинг сўзларига қараганда, никелга аллергия бола ҳаёти учун жиддий хавф туғдирмайди, аммо ҳар қандай бошқа аллергия каби оғриқ ва ёқимсиз ҳиссиётлар қўзғатади.

Apple корпорацияси вакили Крис Гейтер компания ишлаб чиқараётган қурилмалар таркибидаги никелнинг мижозларга салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақидаги хабарни изоҳлашдан бош тортган.

Ваҳоланки, статистик маълумотлар никел моддаси қўзғаётган аллергик хасталиклар тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Мисол учун, ўтган йили тери назоратидан ўтган болаларнинг 17 фоизида никелга аллергия аниқланган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 25 фоизни ташкил этди.

## БАА:
### "Биз ҳам Миррихни забт этамиз!"



Бирлашган Араб Амирлиги ўз космик агентлигини ташкил этаётганлигини маълум қилган. Яна етти йилдан кейин эса биринчи араб фазовий қурилмаси олис Марс томон йўлга тушади.

Қурилма тўққиз ой мобайнида 60 миллион километр йўл босиб, айнан БАА ташкил этилганлигининг 50 йиллиги нишонланаётган кунларда "қизил сайёра" сатҳига келиб қўнади.

Шундай қилиб, БАА Миррихни ўрганиш учун фазовий дастурига эга бўлган тўққизинчи давлатга айланди. Космик технологияни ўзлаштириш учун мамлакат қисқа муддат ичида 20 миллиард дирҳамлик (5,4 миллиард доллар) инвестиция киритишини маълум қилган.

Эслатиб ўтамиз, БАА кейинги пайтларда олис фазоларнинг сирли қаърига жиддий қизиқиш билдираётган ягона давлат эмас. Яқинда маълум бўлишича, Буюк Британия ҳам Россия, АҚШ, Хитой ва Ҳиндистон қатори фазони ўзлаштириш мусобақасига қўшилган. Ҳукумат 2018 йилга келиб мамлакат ҳудудида космодром фаолият кўрсата бошлашини ва ундан йўлдош қурилмалар учирилишини эълон қилган.

## Буюк Британия:
### тамаки тутуни учун 10 минг фунт жарима



Салонда бола бўлгани ҳолда йўловчиларга чекишга рухсат берган ёки ўзи чеккан ҳайдовчи жиноий жавобгарликка тортилади ва 10 минг фунт миқдорида жарима тўлайди. Инглизларнинг бу янги қонуни бола ҳузурида чекишни бутунлай йўқотиб юбориши кутилмоқда. Зеро, автомобилда чеккани учун белгиланган оддий жарима 800 фунтни ташкил этади, холос.

Албатта, қонун тамаки ишқибозларига асло ёқмади. Улар янги қонун ижодкорларини кашандалар ҳуқуқларини бузишда айбламоқдалар.

Бироқ соғлом турмуш тарзи учун кураш олиб бораётган фуқаролар янги қонунни қизғин маъқулладилар. Чунки, тадқиқотларга қараганда, автомобилнинг тор салонида чекилган тамакининг заҳарли тутуни жуда тезлик билан ўз қурбонларига етиб бораркан.

Дарвоқе, янги қонун жамоатчилик томонидан шу қадар қўллаб-қувватландики, қатор инглиз сиёсатчилари тамакига қарши ташаббусни маъқуллаб, ўзларининг сиёсий обрўларини ошириб олмоқдалар.

Интернет хабарлари асосида **Зилола ЙЎЛДОШЕВА** тайёрлади.

# Асаканинг илғор «адолат»чилари

Давоми. Боши 1-бетда

— Мамлакатимизда саноатнинг гуркираб ривожланаётгани ҳаммамизга қувонч бағишлайди. Чунки бир вақтлар биз пахтакор халқимиз, умрбод қишлоқ хўжалиги билан яшаганмиз, шундай яшашимиз керак деганлар ҳам йўқ эмасди, — дейди БПТ етакчиси Н.Мамажонова — Орадан кўп вақт ўтмади. Андижон вилоятининг Асака туманида ўзбек автомобилсозлигига асос солинди. Тарихимизда биринчи автомобиль заводи барпо этилди. Неча-неча авлодлар деҳқончилик билан шуғулланиб келган Асака заминида илк ўзбек автомобиллари — "Нексия", "Тико", "Дамас"лар конвейердан чиқди. Уларни ота-боболарининг қўллари фақат кетмон тутган йигит-қизлар ишлаб чиқаргани мустақилликнинг яна бир неъмати бўлди. Ўзбекистон жаҳондаги саноқли автомобилсоз мамлакатлар сафидан ўрин олди.

Бугун замонавий "Нексия", "Дамас", "Матиз", "Ласетти", "Эпика", "Каптива", "Спарк", "Кобальт", "Малибу" каби турли русумдаги автомобиллар кўчаларимизни тўлдириб, юракларда ифтихор туйғусини уйғотмоқда. Ваҳоланки, бундан йигирма уч йил бурун ўз автомобилсозлигимиз вужудга келиши мумкинлигини хаёлга ҳам келтирмаган эдик. Бугун эса ўзбек автомобиллари нафақат юртимиз, балки жаҳоннинг турли мамлакатлари бозорларида ҳам харидоргир ҳисобланмоқда.

Шунга яраша бугун ўзимиз ўзгармоқдамиз, фуқаролик ва сиёсий онгимиз, ҳуқуқий маданиятимиз ўсмоқда. Биз боқимандалик кайфиятидан, турли соҳа қолипларидан тўла халос бўлиб бормоқдамиз. Мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга, ҳаётга янгича қарайдиган, собиқ мустабид тузумга хос тушунчалардан озод бўлиб вояга етаётган, ўз фикри ва қарашларига эга бўлган навқирон ёшлар ҳаётга ишонч билан кириб келмоқда, жамиятимизда мустаҳкам ўрин эгалламоқда ва мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

Корхонанинг бетўхтов ривожланиб, юксалиб бораётганлигида ҳам ёшларнинг улуши беқиёс. Дастлабки йилда корхонада 25,3 минг дона автомобиль ишлаб чиқарилган бўлса, 1997 йилда маҳсулот ҳажми 64,3 минг донага етказилди. Ўтган 2013 йилда 246 минг 330 дона автомобиль ишлаб чиқарилди. Жорий йилда мазкур кўрсаткич янада ортади.

Яна бир мисол. Корхона иш бошлаганидан буён дастлабки бир миллионинчи автомобиль 12 йил деганда, яъни 2008 йилнинг ноябрида ишлаб чиқарилган бўлса, икки миллионинчи автомобилни ишлаб чиқариш учун 5 йилдан ҳам оз муддат сарфланди.

Президентимизнинг 2012 йил 22 ноябрдаги "Хоразм вилоятининг иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш тўғрисида"ги қарорига биноан "GM Uzbekistan" ёпиқ акциядорлик жамияти мутахассислари Хоразм вилояти Питнак шаҳрида Damas ишлаб чиқарувчи автомобиль корхонасини бунёд этишда фаол иштирок этдилар.

— Икки босқичли лойиҳанинг биринчи босқичи жорий йилнинг биринчи чорагида бажарилиши режалаштирилган, — дейди "GM Uzbekistan" ЁАЖ ишлаб чиқариш технологияси бўлими бош технологи, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳасанбой Қосимов. — Унга кўра Асакадаги корхонадан Damas линияси демонтаж қилиниб, Хоразмга кўчирилди. Қурилиш-монтаж ишларида ҳам мутахассисларимиз яқиндан ёрдам бердилар. Бу босқич жорий йилнинг февраль ойида муваффақиятли якунланди ва Хоразмда Damas автомобилларини йиғиш йўлга қўйилди. Лойиҳанинг иккинчи босқичида пайвандлаш ва бўёқлаш линияларининг кўчирилиши кўзда тутилган. Юқори суръатларда олиб борилган ишлар натижасида гарчи иккинчи босқич жорий йилнинг тўртинчи чорагида ниҳоясига етказилиши белгиланган бўлсада, уни сентябрь ойидаёқ тугаллаш имкони юзага келди.

Шу йилнинг январь ойида "GM Uzbekistan" ЁАЖда ялпи модернизация ишлари амалга оширилди. 14 та линия ва дастгоҳлар тўлиқ янгиланди, цехлар мукаммал таъмирланди, ишчи-ходимларнинг шароитлари яхшиланди. Мазкур технологик қайта жиҳозлаш рақобат курашида муваффақиятга эришиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Ўтган йилнинг август ойида амалга оширилган Gentra SORP лойиҳаси бу борадаги янги қадам бўлди. Lacetti асосида яратилган янги модификация 50 фоизга маҳаллийлаштирилди. Натижада уни экспорт қилиш имконияти туғилди. Ҳозирда Gentra SORP ташқи бозорларда энг харидоргир автомобиль бўлиб қолмоқда.

Қолаверса, ташқи бозор талабидан келиб чиқиб "GM Uzbekistan" ЁАЖда автомобилларга "Эра Глонасс" тизимини жорий қилиш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, 18 йил аввал муваффақиятли амалга оширилган лойиҳа бугун Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини яққол ифода қилибгина қолмай, балки ривожланиш, тараққиёт сарҳадлари чексиз эканлигини кўрсатмоқда. "GM Uzbekistan" ёпиқ акциядорлик жамияти ишчи-ходимлари бу жараённинг фаол иштирокчилари қаторида бормоқдалар.

## ТАРИХГА БИТИЛГАН ЗАРВАРАҚЛАР

*1992 йил, июль* Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жанубий Кореядаги «Daewoo Motors company»га ташрифи.
*1993 йил, март* «UzDAEWOOAuto Co.» қўшма корхонаси рўйхатдан ўтказилди.
*1994 йил, июнь* Завод қурилишининг бошланиши.
*1996 йил, март* Damas SORP автомобили ишлаб чиқарила бошланди.
*1996 йил, июнь* Tico ҳамда Nexia SORP ишлаб чиқарила бошланди.
*1996 йил, июль* Заводнинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.
*1999 йил, декабрь* ISO-9001 Халқаро сертификати қўлга киритилди.
*2001 йил, август* Matiz SORP ишлаб чиқарила бошланди.
*2002 йил, август* Nexia DOHC SORP ишлаб чиқарила бошланди.
*2003 йил, апрель* ISO-9001:2000 Халқаро сертификати қўлга киритилди.
*2003 йил, август* Lacetti SKD SORP ишлаб чиқарила бошланди.
*2004 йил, декабрь* Matiz Best and Matiz A/T ишлаб чиқарила бошланди.
*2005 йил, октябрь* 500 000-автомобиль ишлаб чиқарилди.
*2005 йил, октябрь* "UzAutoSanoat" "Daewoo Motors"нинг 50 фоиз улушига эга бўлди.
*2006 йил, февраль* "SORP Damas B100"нинг ўрнига "SORP Damas B150» ишлаб чиқарила бошланди.
*2007 йил, декабрь* Nexia 1.5 SOHC ва Matiz EURO III SORP ишлаб чиқарила бошланди.
*2008 йил, март* General Motors қўшма корхонасига айлантирилди.
*2008 йил, май* M-150 SORP модели ишлаб чиқарила бошланди.
*2008 йил, ноябрь* J-200 моделининг ишлаб чиқарилиши ва 1.000.000-автомобиль ишлаб чиқарилди.
*2009 йил, сентябрь* «SKD Тошкент» ишга туширилди.
*2011 йил, март* Spark SORP ишлаб чиқарила бошланди.
*2012 йил, октябрь* Cobalt SORP ишлаб чиқарила бошланди.
*2013 йил, июль* 2.000.000-автомобиль ишлаб чиқарилди.
*2013 йил, ноябрь* Gentra SORP ишлаб чиқарилди.
*2014 йил, февраль* "ХАПО"да Damas ишлаб чиқарила бошланди.
*2014 йил, март* Orlando SORP ишлаб чиқарила бошланди.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ, Акбаржон НАЗАРОВ,**
Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар

*Газетанинг навбатдаги сони 2014 йил, 8 август, жума куни чоп этилади.*

# Эҳтиёт чораси

## йўловчи ҳаётини сақлаб қолиши мумкин

**➢ Мулоҳаза**

Содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда жабрланувчилар бош мия очиқ ва ёпиқ жароҳати ёки кўкрак қафасининг эзилиши билан боғлиқ жароҳатларга дучор бўлмоқдалар. Маълумки, бундай жароҳатлар кучли урилиш ёки кескин тормоз бериш вақтида, ҳайдовчи ва олдинги ўриндиқда ўтирган йўловчининг олд ойнага боши билан урилиши, ҳайдовчининг кўкрагини рул чамбараги қисиб қолиши натижасида юзага келади. Бундан хулоса шуки, ҳайдовчи ва йўловчининг йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя қилиши, яъни хавфсизлик камарини тақиб олиши ана шундай оғир оқибатлар олдини олиши ёки жароҳат зарбини енгиллаштириши мумкин.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мана шундай ҳолатларни инобатга олиб, шунингдек, фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг оғир оқибатларини бартараф этиш мақсадида 2007 йил 6 март куни «Транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 44-сонли қарорини эълон қилди.

Унга кўра, 2007 йилнинг 1 июлидан бошлаб конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракатланиб бораётганда ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан мажбуран фойдаланиш тартиби жорий этилди. Демак, 2007 йилнинг 1 июлидан бошлаб транспорт воситаси ҳаракатланиб бораётганида ҳайдовчи хавфсизлик камари тақиб олиши ва хавфсизлик камарлари тақилмаган йўловчиларни ташимаслиги шарт.

Қарорда бир қатор ҳолатларда хавфсизлик камарларини тақмасликка рухсат берилган. Жумладан, «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 25.8-бандига мувофиқ орқа ўриндиқдаги 12 ёшгача бўлган болалар, транспорт воситасини ҳайдовчиликка ўқиётган ўқувчи бошқараётганида бошқаришни ўргатаётган шахс, ҳомиладор аёллар, саломатлиги хавфсизлик камари тақиш имконини бермайдиган йўловчилар, орқага ҳаракатни амалга ошираётган ҳайдовчилар, аҳоли пунктларида ҳаракатланишда йўналиш таксилари ҳайдовчилари, таксининг орқа ўриндиғидаги йўловчилар, шунингдек, аҳоли пунктларида ташқи қисмига тегишли рангли график схемалар чизилган махсус транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда йўл-транспорт ҳодисалари натижасида ўртача 1 миллион 200 минг киши ҳалок бўлиб, 50 миллиондан ортиқ одам тан жароҳатлари олмоқда. Хавфсизлик камарларидан фойдаланиш эса бу рақамларни 60-70 фоизгача камайтириш имкониятини беради.

Бироқ айрим ҳайдовчиларимиз ўзлари ва ёнларидаги йўловчилар учун яратилган бу қулайликдан фойдаланишни истамаяптилар. Хавфсизлик камарини тақмасдан келаётган бир ҳайдовчини ЙПХ инспектори тўхтатди. Унга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирди. Ҳайдовчи эътироз ҳам билдиргани йўқ. Афсусланмади ҳам. Шунда уни саволга тутдим:

— Хавфсизлик камарини нега тақмадингиз?

— Нима фойдаси бор? — саволимга савол билан жавоб берди у.

— Хавфсизлигингизни таъминлайди. Бирор кор-ҳол бўлса, ҳаётингизни асраб қолади, — дедим унга.

— Э, командир, шуни тақгандан кўра жаримасини тўлаганим яхши. Бўлдими, ёзиб бўлдингизми, бизга жавоб, бўлмаса.

— Тўхтанг, яна бир дақиқа, — дедим фойдаса йўқлигини билиб турсам ҳам унга тушинтиришга уриниб. — Автомобилга мана шу хавфсизлик камари нима учун ўрнатилганлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

— Йўқ, — деди у энсаси қотиб, — ўйлаб кўрмаган эканман. Кетсам бўладими, шошиб тургандим...

Шу ўринда бундай қоидабузарлик учун қанча миқдорда жарима тўланишини ҳам эслатиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўларди. 2007 йилнинг 1 июлидан бошлаб хавфсизлик камарларидан фойдаланмаганларга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли бандига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақининг бешдан бир қисми миқдорида жарима солинади.

Ҳозирги кунда республикамизда энг кам ойлик иш ҳақи 96105 сўмлигини ҳисобга оладиган бўлсак, жарима миқдори 19221 сўм эканлиги кўринади. Буни изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Хулоса қилиб айтганда, ҳайдовчилик маданияти ва одоби шундан иборатки, ўзини ҳурмат қиладиган, оиласини, болаларини ўйлайдиган ҳайдовчи йўлда ЙПХ ходими турмаса ҳам, белгиланган қоидага сўзсиз риоя қилади. Йўл қоидасини бузмаслик инспекторга эмас, биринчи навбатда, унинг ўзига керак.

**Азизхон МУРОДОВ,**
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ инспектори, катта лейтенант

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!*

ASAKA BANK

# “АСАКА” БАНК

қуйидаги корхоналар ва мулкий мажмуаларни сотишда қатнашиш учун ҳамкорликка таклиф этади:

| Т/р | Объект номи | Объект манзили | Асосий фаолият йўналиши |
|---|---|---|---|
| 1 | “Асака Коттон Импекс” МЧЖ | *Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Саноат майдони* | Тиббий гигроскопик пахта ишлаб чиқариш |
| 2 | “Осиё Асака Модел” МЧЖ | *Тошкент шаҳри, Гавҳар кўчаси, 124* | Пойабзал ишлаб чиқариш |
| 3 | “Қоракўл Асака Текстил” МЧЖ | *Бухоро вилояти, Қоракўл шаҳри, Улуғбек кўчаси, 3* | Калава ип, трикотаж мато ишлаб чиқариш ва уни бўяш |
| 4 | Мулкий мажмуа | *Тошкент шаҳри, Саъдий кўчаси, “Прохладная” боши берк кўча, 31* | Органоминерал ўғитлар ишлаб чиқариш |
| 5 | Мулкий мажмуа | *Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Н.Зокиров кўчаси, 114* | Тиббий бинтлар ва жарроҳлик салфеткалари ишлаб чиқариш |
| 6 | Мулкий мажмуа | *Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли, 40 а* | Дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш |
| 7 | Мулкий мажмуа | *Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, “Эски Қовунчи” ҚФЙ, Экскаватор кўчаси, 1* | Мева концентратлари ва шарбатлари ишлаб чиқариш |
| 8 | Мулкий мажмуа | *Қашқадарё вилояти, Яккабоғ шаҳри, Ойбек кўчаси* | Калава ип ишлаб чиқариш |
| 9 | Мулкий мажмуа | *Хоразм вилояти, Боғот тумани, Ўзбекистон кўчаси, 1* | Калава ип ишлаб чиқариш |
| 10 | Мулкий мажмуа | *Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл шаҳри, Қирққиз кўчаси, 3* | Тайёр тикув маҳсулотлари ва трикотаж мато ишлаб чиқариш |

**Ушбу объектлар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар қуйида кўрсатилган манзилга боришлари ёки телефон рақамлари орқали боғланишлари мумкин.**

Мурожаат учун манзил ва алоқа воситалари: Тошкент шаҳри, Муқимий 1-тор кўчаси, 9.
Телефон: 120-39-75, 120-39-68, 120-39-84.
Факс: 120-39-84.

Электрон почта: **info@asakainvestment.uz.**

*Хизматлар лицензияланган*

Reklama



ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:** Абдували САЙБНАЗАРОВ

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*

**info@adolatgzt.uz; adolat_gazeta@mail.ru**

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.*

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

ISSN 2091-5217

**Бўлимлар:** Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — ***288-46-54*** (149);
Ахборот, маънавият, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — ***288-46-64*** (146);
Қабулхона — ***288-42-23***; ***288-46-64*** (141) факс;
Котибият — ***288-46-64*** (144).

**Навбатчи муҳаррир** — Қ.Қўлдошев. **Навбатчи** — Ғулом Хидиров.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 700. Адади — 6036
Босишга топшириш вақти — 21.15 Босишга топширилди — 22.15
1 2 3 4 5
*Баҳоси келишилган нархда*